

АДОЛАТ

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 18 (1082) • 2016-yil, 29-aprel, juma

ИЗЧИЛ, ПРОГРЕССИВ ТАШҚИ СИЁСАТ — МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРИМИЗГА МОСДИР

МУНОСАБАТ

Маълумки, мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислохотлар ва уларнинг самаралари замирида юртимизда, умуман, минтақада ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик ётади. Ана шу хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан олиб борилаётган савий-ҳаракатлар туфайли бугунги юксак натижалар қўлга киритилмоқда. Мамлакатимизнинг бу борадаги натижалари давлатимиз раҳбарининг 25-26 апрель кунлари Россия Федерацияси Президенти билан бўлиб ўтган музокараларида ҳам яна бир бор эътироф этилди.

Дарҳақиқат, ташриф давомида бўлиб ўтган очик, самимий мулоқот чоғида икки давлат раҳбарлари сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, ҳарбий-техникавий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалар қатори нафақат кўпгина давлатлар, балки бутун минтақа учун хавф туендириши мумкин бўлган Афғонистон муаммосига ҳам алоҳида тўхталиб ўтдилар. Иккала давлат етакчилари Афғонистонда БМТ шафёлигида фаолият олиб борувчи кенг аксилтерор коалициясини тузиш, эҳтимолдан холи бўлмаган ҳалокатларнинг олдини ўз вақтида олиш лозимлигини қайд этдилар. Ўзбекистон раҳбари афғон муаммосини Россиянинг иштирокисиз ҳал қилиб бўлмаглигини, шу боис му-

зокаралар жараёнига Россия Федерацияси вакиллари ҳам, албатта, таклиф қилиниши лозимлигини таъкидлади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистон афғон муаммосига нисбатан доимо ўзининг принципиал ёндашувини билдириб, ушбу муаммонинг ҳарбий ечими йўқлигини таъкидлаб келган. Мамлакатимизнинг ушбу қатъий позициясини давлатлар раҳбарлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов 2008 йил август ойида Бухарестда бўлиб ўтган НАТО Саммитида тилга олган эди. Бугунги кунда ушбу позициянинг ниҳоятда тўғрилигини бошқа хорижий давлатлар ҳам эътироф этмоқдалар.

2



25 ЙИЛ: МУСТАҚИЛЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ



ВАТАН ИЧРА ГЎЗАЛ БИР ЧАМАН

Наманган водийнинг тарихий, обод шаҳарларидан бири сифатида эътироф этилади. Унинг ташки топган вақти тарихий манбаларда 1610 йил, деб кўрсатилган. Лекин баъзи ёзма битикларда унинг бунёд қилинган даври XVI-XVII асрлар оралиғи деганга ўхшаш маълумотлар ҳам учрайди. Жумладан, муаррих Ибрат “Фарғона тарихи” асарида “Бул Намангонни биносига тўрт юз йигирма етти йил, бул тарихдан ўлмаган бўлса ҳам тезда обод бўлиб, авлиё киром, машойих изомлар бирлан мангу бир шаҳарга айланди”, деб ёзади.

Агар муаллиф бу асарини ўтган асрнинг 20-йиллари охирида ёзиб тугатган бўлса, унда келтирилган ҳисоб бўйича Наманган шаҳри 1500 йилларда барпо қилина бошланган бўлиб чиқади. Тарихчи асарида шаҳар тарихига оид бошқа кизиқарли маълумотларни ҳам келтиради. У бир ўринда

Бухоро ҳукмдори “бир тарафи дарё ва бир тараф тоғ хавоси яхши учун бу ерга бир шаҳар бино қилиб, шаҳар қилмоқ бўлганда ўшал ерни дарё тарафи шўр қўл бўлиб ётган тўз экан. Бинобарин, бу ер намак кон деб аталган экан”, дея шаҳар номининг келиб чиқиши ҳақида тўхталса, бошқа ўрин-

да шаҳарнинг ўша пайтда тўртта — Сардоба, Лаббайтога, Чукур кўча, Дегрезлик (қозон ясовчилар) маҳаллалари бўлганлиги хусусида фикр билдиради. Бу маълумотлар Наманганнинг географик ўрни ва унинг илк даврдан қадимий шаҳарлиги, машойихлар, уламо-лар шаҳри сифатида шаклланишидан дарак беради. Шаҳарда тўрт-беш аср ичида қўллаб мадрасалар, масжид, хонақолар, бошқа иншоотлар барпо қилинган. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейингина улар Наманганнинг тарихий ёдгорликлари, обидалари сифатида қайтадан қурилди, таъмирланди, асл ҳолига келтирилди.

5

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИ — ФАОЛИЯТИМИЗ АСОСИ

ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партия Сайлов-олди дастурини амалга ошириш юзасидан 2015-2019 йилларга мўжалланган амалий ҳаракатлар Дастурида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлашда фракциянинг иштироки билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Фракция аъзолари дастлаб “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг ижроси ҳақидаги назорат-таҳлил ишларининг ҳолати” ҳақидаги масалани қизғин муҳокама қилдилар.

Шухрат ПОЛВАНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси:

Мамлакатимиз суд ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳар томонлама муҳофаза қилиш, жиноий жазоларни либераллаштириш, суднинг мустақиллиги ва одиллигини таъминлаш, суд жараёнида адвокатуранинг ролини кучайтиришга қаратилган. Хар бир инсоннинг шахсий, ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳимоясини, энг аввало, яшаш ҳуқуқи, эркинлиги, шахсий дахлсиз-

лигини таъминлаш, шунингдек, шахсий ҳаётига аралашиб ва асоссиз жиноий иш очилган ҳимояланишнинг барча ташкилий-ҳуқуқий механизмлари яратилган. Бу борадаги савий-ҳаракатларда адвокатура институтини янада кучайтириш ва мустақамлаш, суд ва тергов жараёнида қонунийликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовордир.

Мазкур чора-тадбирлар бугунги кунда адвокатуранинг ролини ҳамда адвокатларнинг фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги масъулиятини оширишга хизмат қилмоқда.

2

ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ: ҚОНУНЧИЛИК, АМАЛИЁТ ВА ТАҲЛИЛ

ДЕПУТАТ МИНБАРИ

Инсоният тараққиётининг бугунги босқичида ахборот ва интернет технологиялари иқтисодий юксалишнинг муҳим омили сифатида ҳаётимизнинг барча соҳаларига жадал суръатларда кириб келмоқда. Бу, ўз ўрнида, электрон тижоратнинг ҳам ривож топиб, глобал иқтисодий фаолликнинг асосига айланишига замин яратмоқда.

Таъкидлаш жоизки, электрон тижоратни ривожлантириш мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли иқтисодий ислохотларнинг ажралмас бўлаги ҳисобланади. Шу боисдан электрон тижоратни ривожлантириш ва иқтисодиётни ахборотлаштириш жараёнига мослаштириш борасида қабул қилинган қонунлар, Президент ва ҳукумат қарорлари, яратилган технологик асослар туфайли сўнгги йилларда электрон тижорат бозори шаклланиб, унга хизмат қилувчи механизмлар тизими равишда такомиллашиб бормоқда.

Хусусан, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Электрон тўловлар тўғрисида”ги, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонунлар мазкур йўналишдаги ислохотларни амалга оширишнинг муҳим асоси сифатида хизмат қилмоқда. Электрон тижорат соҳасининг бугунги ривожланиш босқичи давлатимиз

раҳбарининг ташаббуси билан 2015 йилда “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонуннинг янги тахририда қабул қилиниши билан бевосита боғлиқдир. Ушбу қонун электрон тижоратнинг технологик ва телекоммуникацион ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши билан бирга маҳаллий хўжалик субъектларининг самарали фаолияти учун қулай шароит яратиш борасидаги тизимли ишларнинг такомиллашуви олиб келди.

Қонун қабул қилиниши билан электрон тижоратнинг келгусидаги истиқболи билан боғлиқ ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш борасида бир қатор амалий тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, ҳукумат қарорига асосан ўрта муддатли истиқболда электрон тижоратни ривожлантиришнинг, рақобат муҳитини кенгайтиришнинг, янги инфратузилма ўсишининг ва қўшимча иш ўринлари яратишнинг йўллари,

шақлланиши белгилашнинг, шунингдек, электрон тижорат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгиловчи концепция қабул қилинди.

Шу маънода янги тахрирдаги “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонуннинг ҳаёта татбиқ этилишини ўрганиш, амалиётда қўллашдаги мавжуд тўсиқларни аниқлаш ва бартараф этиш ҳамда соҳага доир қонун ҳужжатларида учраётган бўшлиқларни тўлдирish бугунги куннинг долзарб масалаларидан саналади.

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган “Электрон тижорат соҳасида қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалалари” мавзусидаги семинар айна шу мақсадга қаратилди.

Семинарда электрон тижорат соҳасида давлат ваколатли органи хисобланган Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банк, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси масъул ходимлари, электрон тижорат соҳасидаги етакчи хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, олимлар ва малакали экспертлар иштирок этди.

2

ПАРЛАМЕНТДА

МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ: СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК

Истиқлол йилларида мамлакатимизда таълим тизимини модернизация қилиш, уни таркибий жиҳатдан қайта қуриш, таълим, фан, техника, технология, иқтисодиёт ва маданиятнинг замонавий ютуқлари асосида таълим дастурларини янгилаб бориш орқали таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масалаларига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қараб келинмоқда. Бу жараёнда “Таълим тўғрисида”ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури иқтисодий-ижтимоий соҳалардаги ислохотларнинг туб моҳиятини белгилаб берди.

Узлуксиз таълим тизимида мактабдан ташқари таълим муассасалари алоҳида ўрин тутди. Таълимнинг ушбу босқичи ўқувчилар ўртасида қобилиятини, иқтидорини ёшларни аниқлаш, шахсни ривожлантиришга қаратилган мусобақаларни, сайёҳлик маршрутларини, техника ва бадий ижодкорлик ҳамда бошқа тадбирларни уюштириш ва ўтказиш, эҳтиёжларини ўрганиш ва шунга мувофиқ болаларнинг қизиқишларига кўра шахснинг ижодий имкониятларини ривожлантиришга қаратилган тўғрақарал очиш, фан асослари бўйича қўшимча таълим бериш каби вазифаларнинг амалга оширилишига хизмат қилди.

3

ИНСОН ХУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИ —

ФАОЛИЯТИМИЗ АСОСИ

Давоми. Бошланғичи 1-бетда

Шу билан бирга, фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар тахлил жойларда бевосита "Адвокатура тўғрисида"ги қонун ижросини атрофлича ўрганиш зарурлигини кўрсатмоқда. Олий Мажлис қўйи палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан мазкур қонуннинг жойлардаги ижроси назорат-таҳлил тартибиде ўрганилди.

Қўмитада назорат-таҳлил фаолиятини ўтказиш якулини бўйича "Адвокатура тўғрисида"ги қонунни тўла-тўқис амалга оширишдаги тўқисларни бартараф этиш, мазкур соҳадаги қонунчиликни янада такомиллаштиришга оид тақдирларни шиллаб чиқиш, фуқароларга ва жисмоний шахсларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш юзасидан чора-тадбирлар қабул қилиш режалаштирилган.

Айни пайтда қўмита қарорига кўра, депутатлар, Адлия вазирлиги ва Адвокатлар палатаси вакилларидан иборат ишчи гуруҳи шакллантирилди. Уларга ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва демократлашуви-нинг муҳим таркибий қисми бўлган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини изчилик билан таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, суд ҳокимияти ҳамда адвокатура фаолияти мустақиллигини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонунларнинг ташаббускори бўлиши ва уларни қўллаб-қувватлаш мустаҳкамлаб қўйилган. Шундан келиб чи-

киб, партиямизнинг амалий ҳаракатлар Дастурида Адвокатнинг профессионал фаолиятида мавжуд тўқисликларни, уларга ўз ҳимояси остидаги шахсга нисбатан позициясини ўзгартириш мақсадида ҳар қандай шаклда таъсир ўтказиш ҳолатларига йўл қўймаслик ва бошқа қонунбузилиши ҳолатлари, шунингдек, адвокатлик фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида Адвокатлар палатаси билан ҳамкорликда анкета сўровномасини ўтказиш ва ҳулосаларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида тавсиялар ишлаб чиқиш юзасидан аниқ вазифалар белгиланган.

Бугунги йилги фаолиятимиз асосида адвокатлар доир қонунчиликнинг амалиётдаги ижросида учраётган муаммоларни янада чуқурроқ ўрганиш ва таҳлил қилиш, соҳага доир қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан тақдирлар тайёрлашда фракцияимизнинг мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорлигини кучайтириш борасида тавсиялар ишлаб чиқилди.

Йилги фаолиятимиз асосида "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзоларининг фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш ва мазкур фаолият самардорлигини ошириш масалалари юзасидан ҳам атрофлича фикр алмашилди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда давлат бошқаруви органлари ҳамда жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, айниқса, ўз электоратларини ўйлантираётган масалаларни ўрганишда фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш технологиясидан кенг фойдаланмоқда. Хусусан, Ўзбекистон "Адолат" СДП томонидан ҳам фуқароларнинг мурожаатларини ўрганиб, уларга депутатлик қорпуслари орқали самарали ечим топиш бўйича муайян тажриба тўплаган.



Умид СУЛАЙМОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидagi Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:

— Қонунчилик палатасининг регламентига мувофиқ, депутатларнинг ҳар чоракда бир маротаба ўз сайлов округларида сайловчилар билан учрашув ўтказиш амалиёти электорат манфаатларига дахлдор бўлган муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишда партия кенгашлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан узвий алоқаларнинг йўлга қўйиш ҳамда бу йўналишдаги ишларнинг самардорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида фракцияимиз аъзоларига келиб тушган 2140 га яқин мурожаатларнинг аксарияти ўз жойида ҳал этилди. Бундан ташқари, 161 та мурожаатда кўтарилган масалаларни ҳал этиш учун маҳаллий давлат бошқарув органларига фракцияимиз аъзолари томонидан тегишли сўровлар юборилди.

Албатта, ушбу рақамлар партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш ва Сайлов олдиди дастуридаги вазифаларни амалга оширишда муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Яъни, фракцияимиз аъзолари, қолаверса, партиямизнинг барча бўғинлари саъй-ҳаракатлари натижасида электоратимиз томонидан кўтарилган масалаларнинг деярли барчаси ижобий ҳал этилаётгани партиямизга бўлган ишонччи янада кучайтирмоқда.

Шунингдек, партия Сайлов олдиди дастурида кўзда тутилган қатор вазифалар, партия электоратини ташвишлантираётган асосий муаммолар, уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ҳамда ижобий ҳал этиш йўллари топишда биздан доимий изланиш талаб этилади. Хусусан, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидagi партия фракциясининг ўзаро, тизимли ҳамкорлигини таъминлаш лозим. Бу ўринда биз ўз кучимиз ва имкониятларимиздан хали тўлақонли фойдалана олганимизча йўқ. Яъни, пар-

тияимизнинг кундалик ҳаётига, қолаверса, Сайлов олдиди дастуридаги вазифаларни устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда вилоят ва туман Кенгашларидаги депутатларимизни янада фаол жалб этишимиз зарур.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари каби халқ депутатлари вилоят ва туман, шаҳар Кенгашлари депутатларининг ҳам ўз округларида сайловчилар билан учрашувларини режали, тизимли равишда ташкил этиш, бу борада қонунчиликка тегишли ўзгаришлар киритишни амалиётга тақозо қилмоқда. Бу, албатта, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш, жойларда электоратни ўйлантираётган ижтимоий-иқтисодий масалаларни ўрганиш ва уларни ижобий ҳал этиш самардорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан фракцияимиз тегишли қарорлари қабул қилинди.

Илёс САҲАТОВ,
"Adolat" мухбири

ИЗЧИЛ, ПРОГРЕССИВ ТАШҚИ СИЁСАТ —

МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРИМИЗГА МОСДИР

Давоми. Бошланғичи 1-бетда

Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон Республикасининг изчил, прогрессив ташқи сиёсати халқимизнинг тўб миллий манфаатлари билан ўзаро ҳамохандир. Бундай ташқи сиёсат 2012 йил қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қонунга ҳар томонлама мос келади.

Минтақамизда мураккаб вазият сақланиб қолаётган, узоқ ва яқин атрофимизда турли қарама-қаршиликлар тобора кучайиб бораётган бир шароитда мамлакатларимиз тинчлиги ва фаровонлигини сақлаш, ён-атрофимиздаги давлатлар ва халқлар билан ўзаро бир-бирини тушуниш ва ҳамжихатликда яшаш учун шарт-шароитларни таъминлашга қаратилган ана шундай ташаббуслар доимо қўллаб-қувватланиб келган.



Қодир ЖҲҲРАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидagi Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, давлатимиз раҳбарининг Россия Федерациясига амалга оширган мазкур ташқи сиёсат доирасида ўтказилган мулоқотлар минтақамизда тинчлик ва хавфсизликни янада мустаҳкамлашда ҳам муҳим ўрин тутаяди.

ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ЯНА БИР ҚАДАМ

Ўзбекистоннинг ташқи алоқаларида Россия билан ҳамкорлик алоҳида ўрин эгаллайди.

Қайд этиш жоизки, сўнгги 25 йил давомида икки давлат ҳамкорлигининг мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий асослари яратилди. Жумладан, 1992 йил 30 майда "Давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида", 2004 йил 16 июнда Стратегик шериклик тўғрисида, 2005 йил 14 ноябрда эса Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида шартномалар имзоланган. Шунингдек, 2012 йил 4 июнда имзоланган "Стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўғрисида"ги декларация ўзаро ҳамкорлик қўламининг янада кенгайишига ҳисса қўшиб келмоқда.

Россия Ўзбекистоннинг энг муҳим ва ишончли ҳамкорларидан бири бўлиб, икки давлат ўртасидаги алоқалар ўзаро ишонч ва манфаатдорлик асосида ривожланиб келмоқда.

Айниқса, савдо-иқтисодий соҳалардаги ҳамкорлик борасида Ўзбекистон ва Россия ишончли шериклар бўлиб, ушбу йўналишдаги ўзаро алоқалар жуда фаол ва кенг қамровга эга. Ўзбекистон ташқи савдосининг бешдан бири қисми Россия ҳиссасига тўғри келиши ҳам фикримизнинг далили ҳисобланади.

Бугунги кунда республикамиз ҳудудда россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда 900 дан ортиқ корхоналар фаолият юритиб келяпти, 85 та фирма ва компанияларнинг ваколатхоналари очилган, Россия ҳудудига эса Ўзбекистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда 500 дан ортиқ корхоналар фаолият олиб бормоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми жорий йилнинг биринчи чорагида 7.9 фоизга ошди, сўнгги 15 йил ичида Россиянинг мамлакатимиз иқтисодига киритган сармояси эса 8 миллиард доллардан ошди. 2015 йилда бу кўрсаткич 2014 йилга нисбатан 40 фоизга ўсган. Ушбу рақамлар икки давлат ўртасидаги ўзаро иқтисодий ҳамкорлик даражасининг нақадар юқори эканлигини далил беради.

Айниқса, икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда олий даражадаги учрашувларнинг мунтазамлик қасб этигани ҳам муҳим омил бўлмоқда.

Давлат раҳбарлари ўртасида бўлиб ўтган бу галги учрашувлар давомида товар айирбошлаш ҳажми, айниқса, Ўзбекистоннинг Россияга мева ва полиз маҳсулотлари экспорт қилиш ҳажми ортиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Россияда кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига талаб юқорлиги, Ўзбекистон эса бу соҳада улкан салоҳиятга эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда, ушбу соҳадаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга келишиб олинди.

Яқинда давлатимиз раҳбарининг "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг қабул қилинганлиги мазкур келишувнинг самарали амалга оширилишида муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Шубҳасиз, Юртбошимизнинг Россия Федерациясига бу галги ташқи сиёсати асосида эришилган келишувлар стратегик шериклик ва иттифоқчилик тамойиллари асосида раванг топаётган Ўзбекистон — Россия муносабатларини янги, янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилади.



Акмал БҲҲРАНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидagi Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ: ҚОНУНЧИЛИК, АМАЛИЁТ ВА ТАҲЛИЛ

Давоми. Бошланғичи 1-бетда

Таъкидланганидек, мамлакатимизда тизимли ва тадрижий давлат сиёсати олиб борилгани натижасида давлат органлари, тадбиркорлик субъектлари, жисмоний шахслар ва тижорат банклари ўртасида тезкор алоқа ўрнатилиб, масофавий бошқарув орқали банк ҳисоб рақамларини бошқариш, замонавий электрон иловалар ва тўловларни амалга ошириш имкониятини берувчи янги ахборот технологиялари кенг жорий қилинган, бу эса, ўз навбатида, телекоммуникация инфратузилмасининг кескин ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ахборот-коммуникация технологияларининг иқтисодий соҳасига кенг жорий этилиши ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида товар ва хизмат кўрсатишдаги алоқаларнинг янги ривожланиш босқичини бошлаб берди. Айни пайтда Ўзбекистонда электрон тижоратни ҳўжалик технология жараёнларига фаол жорий этиш ва ундан самарали фойдаланиш, мижозларнинг интернет глобал тармони ва мобил алоқа воситалари орқали интерактив хизмат кўрсатишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Иқтисодий интеграциялашув ва глобаллашув шароитида ҳўжалик юритувчи субъектлар, хусусан, кичик бизнес вакиллари ва тадбиркорларнинг ўз фаолиятида электрон тўлов ва электрон тижоратни жорий этиши уларнинг рақобатбардорлигини ошириш билан бирга миллий иқтисодиётда юқори иқтисодий

кўрсаткичларга эришишлари сабаб бўлмоқда.

Дарҳақиқат, янги қонун электрон тўловлар тизимини янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Чунки шу асосда мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини юқори даражада рақамлаштиришга кенг йўл очилди. Бу савдо операцияларини амалга ошириш бўйича харажатларни камайтириш, электрон тижорат субъектларининг бир-биридан узоклиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, сотувчилар ва хариддорлар ўртасида тўғридан-тўғри шартномавий муносабатларни ўрнатиш, халқаро стандартларга жавоб берадиган технология бозор инфратузилмасини яратишга кўмак беради.

Шу ўринда электрон тижоратни ривожлантириш, янги таҳрирда қабул қилинган "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонун талабларини амалиётга самарали равишда татбиқ этиш борасида бир қатор масалалар алоҳида эътибор талаб қилаётганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Хусусан, амалиёт шунини кўрсатмоқдаки, электрон тижоратда шартномаларни электрон иқтисодий фаоллигини ошириш учун керакли рақобатлантирувчи давлат дастурларини ишлаб чиқиш зарурати ойдинлашмоқда.

ли соҳа ва йўналишларга ихтисослашган, профессионал савдо платформаларига эга ахборот воситачилари сонини кўпайтириш ва қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлиб турибди.

Шу бондан жамоатчилик ўртасида кенг тушунириш ишларини олиб бориш, соҳа учун ахборот технологиялари ва тижорат ишларидан бохабар мутахассисларни тайёрлаш, маркетинг ишлари сифатини ошириш, товарларни хариддорларга етказиб берувчи курьерлик хизматлари ташкил этиш, бизнес томонидан тижорат ишларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шу орқали хариддорларга ишончли ва кафолатланган хизматларнинг тақдир этилиши соҳа ривожига ижобий туртки бўлади.

Шунингдек, тадбиркорларнинг электрон тижорат имкониятларидан фойдаланиш ва уларнинг электрон иқтисодий фаоллигини ошириш учун керакли рақобатлантирувчи давлат дастурларини ишлаб чиқиш зарурати ойдинлашмоқда.

Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда электрон тижорат соҳасини ривожлантириш ва самардорлигини ошириш, аввало, соҳага оид қонун ҳужжатлари, белгиланган талаблар ва яратиб берилган имкониятлар билан кенг жамоатчиликни таништириш, тегишли тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, бу ўринда давлат, бизнес ва нодавлат сектори ўртасида самарали ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз.



Жамшид ПИРМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидagi Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Концепцияда электрон тижоратни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга оид бир қатор тадбирлар комплекси белгиланган бўлишига қарамай, ушбу вазифаларни ўз вақтида ижро этиш ва шу орқали самардорликка эришишга эътиборни кучайтириш ҳам бугунги кун талабидир.

Шу ўринда "Адолат" СДП ҳам мамлакатимиз ахборот-коммуникация технологиялари юқори даражада жорий этилган илғор мамлакатлар қаторига кириши лозим, деб ҳисоблайди. Депутатлик корпусимиз бундан кейин ҳам АКТИ жорий этиш ва ривожлантириш соҳасидаги меъриий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тарафдори бўлиб қолаверади. Биз фуқароларга интерфаол давлат хизмати кўрсатиш жараёнларига алоҳида эътибор қаратамиз.

МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ:

сифат ва самарадорлик



Шунингдек, тadbирда болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, болалар мусика ва санъат мактаблари, "Баркамол авлод" маркалари ҳамда болалар оромгоҳларида ташкил этиладиган таълим жараёнларининг умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчилар учун ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнлари билан узвийлигини таъминлаш, болалар онгига умуминсоний ва миллий қадриятларни синдириш, уларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришга қаратилган маънавий-маърифий чора-тадбирлар жараянларини такомиллаштириш, "Баркамол авлод" маркалари ва бошқа муассасаларда тўғарақ машғулотлари сифати, самарадорлигини ошириш асосида 9-синф битирувчиларини касб-хунар таълимига мақсадли йўналтиришни такомиллаштириш борасида тавсиялар ишлаб чиқилди.

Диплом **МАТКАРИМОВА, "Adolat" мухбири**

Давоми. Бошланғич 1-бетда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган "Узлуксиз таълим тизимида мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолияти самарадорлиги" мавзусидаги давра суҳбатига ҳам юқоридаги масалалар хусусида сўз борди.

Тadbирда Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари мутасаддилари, илмий-тадқиқот институтлари ва Республика таълим маркази мутасаддилари, Халқ таълими вазирлиги тасарруфидоғи мактабдан ташқари таълим муассасалари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Давра суҳбатини Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси, Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси А.Шодмонов олиб борди.

Иштирокчилар томонидан таъкидланганидек, соҳада "Таълим тўғрисида"ги қонуннинг ҳаётга исчила татбиқ этилиши натижасида мактабдан

ташқари таълимнинг нуфузи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Қонунда болалар ва ўсмирларнинг шахсий эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш учун давлат ва жамият томонидан қамқовчи қилиш белгилаб қўйилган. Шунингдек, Президентимизнинг соҳани ривожлантиришга қаратилган ўндан ортик фармон ва қарорлари қабул қилинган. Айниқса, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини ривожлантиришга, "Баркамол авлод" маркалари ва "Болалар мусика ва санъат мактаблари"ни ташкил этишга қаратилган савий-харакатлар жисмонан соғлом ва маъна баркамол шахсларни тарбиялашдек эзгу мақсадни амалга оширишда ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Давра суҳбатига мактабдан ташқари таълимнинг ижодий йўналишлари бўйича амалга оширилаётган ишлар, жумладан, давлатимиз раҳбарининг "Болалар мусика ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014

АНИҚ НАТИЖА ВА АМАЛИЙ ИШ

ДЕПУТАТЛИК ГУРУХЛАРИДА

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни ҳудудий тармоқлар фаолиятига татбиқ этиш, ҳар бир ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда маҳаллий вакилик органларида фаолият юритаётган Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳлари ҳам фаоллик кўрсатмоқда.

Минтақалар, тармоқлар ва давлатнинг умумий манфаатлари муносиблигини самарали таъминлашга қаратилган муҳим вазифаларни бажаришда депутатлик гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш сиёсий партиязимнинг диққат марказида турган асосий масалалардан бири саналади.

Айни пайтда ўз ваколатларини чуқур англаган ҳолда сайловчилар билан ишлаш тизимини яхши йўлга қўйиб, фуқаролар манфаатларини йўлда хизмат қилаётган партия депутатлик гуруҳлари электротартиб ишончига сазовор бўлмоқда. Бу фикр халқ депутатлари Бунёд туман Кенгашидаги партия гуруҳи томонидан ўтган ва жорий йил давомида амалга оширилган ишлар миқолида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Ўтган йил тумандаги бир қатор шиғохонларни таъмирлаш, мактабга таълим муассасаларида тиббий ёрдам кўрсатиш ҳолатини яхшилаш, ички қўчаларни асфальтлаштириш ва бошқа шу каби муҳим масалалар депутатларимиз Нарғиза Иномова, Шухрат Қосимов, Икбол Сотволдиев, Хайрулло Турғунов, Хайбулло Хасановлар томонидан ўрганилиб, уларнинг амалий савий-харакатлари билан ўз ечимини топди. Жорий йилда ҳам депутатлик гуруҳи аъзоларининг мутасадди ташкилотлар, мансабдор шахслар номига киритган депутатлик сўровларида туманда пластик қарточкалар билан савдо қилишда юзага келатган муаммолар, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, йўл ва чорраҳаларни таъмирлаш, шиғохонларда тиббий хизмат сифатини яхшилаш каби турли масалаларга эътибор қаратилди.

Вилоят партия кенгаши раисининг ўринбосари Санжар Ҳўжамбердиевнинг таъкидлашича, аҳоли ўртасида дастурий мақсад ва вазифаларимиз юзасидан тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, саф-

путат Икбол Сотволдиев. — Бугунги кунда ана шундай ишончга муносиб бўлиш учун депутатлик гуруҳимиз аъзолари ҳамжихатликда қўллаб-қувватлаш ишларини амалга оширмоқдалар.

Жумладан, депутатлик сўрови асосида туманимиздаги "Қум" қишлоғидаги "Овул", "Турк", "Урганжи" маҳаллаларини бир-бирига боғлаб турувчи, таъмирталаб бўлиб қолган чорраҳаларни 2016 йилда ички йўлларни таъмирлаш манзилли дастурига киритиш кўрсатиш ташаббусларини қўллаб-қувватлаш туман партия ташкилоти ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Шу каби амалий ишлар боис партия депутатлик гуруҳи сайловчилар ўртасида ишонч ва ҳурмат қозона олади.

Депутатларнинг профессионал маҳорати, ҳар бир масалада ўрганишда масъулият ва талабчанлик билан ёндашиши орқали қўрилган натижага эришиши мумкин.

Депутатлик гуруҳи аъзоси Хайрулло Турғунов жорий йилнинг январь ойида туман тиббиёт бирлашмасига киритган депутатлик сўровида тумандаги кишлоқ врачлик пунктлари, шовшилч тез тиббий ёрдам ва жаррохлик бўлимларининг аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати депутатлик гуруҳи томонидан ўрганилганлиги ҳақида сўз юритилган. Ўрганишларда бу борада айрим муаммолар аниқланганлиги, хусусан, юқори малакали шифокорлар билан таъминлаш, маъмурий муассасаларнинг беморлар учун белгиланган ҳолатларида ўринлар сонини кўпайтириш, мавжуд ҳолатни яхшилашда назоратни кучайтириш зарурлиги келтириб ўтилган. Шундан сўнг февраль ойига қадар мазкур қамчиликлар тумандаги мутасадди муассасида бартараф қилиниб, туман аҳолисига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати яхшиланиши сайловчилар эътирофи билан таъминланганлиги таъкидлаш жоиз.

— Депутат сайловчилар билан қанчалик қўн ишласа, уларни қизиқтираётган муаммолар моҳиятини тереин тўшуниб, фуқаролар билан мулоқотда бўлиб, уларнинг фикр ва тақлифлари, саволларига ўзининг жавоб ва ечим топишга эришса, унинг ўзига бўлган ишонч, ишлаш иштиғи ҳам кучайиб боради, — дейди де-

путат Икбол Сотволдиев. — Бугунги кунда ана шундай ишончга муносиб бўлиш учун депутатлик гуруҳимиз аъзолари ҳамжихатликда қўллаб-қувватлаш ишларини амалга оширмоқдалар.

Жумладан, депутатлик сўрови асосида туманимиздаги "Қум" қишлоғидаги "Овул", "Турк", "Урганжи" маҳаллаларини бир-бирига боғлаб турувчи, таъмирталаб бўлиб қолган чорраҳаларни 2016 йилда ички йўлларни таъмирлаш манзилли дастурига киритиш кўрсатиш ташаббусларини қўллаб-қувватлаш туман партия ташкилоти ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Шу каби амалий ишлар боис партия депутатлик гуруҳи сайловчилар ўртасида ишонч ва ҳурмат қозона олади.

Депутатларнинг профессионал маҳорати, ҳар бир масалада ўрганишда масъулият ва талабчанлик билан ёндашиши орқали қўрилган натижага эришиши мумкин.

Депутатлик гуруҳи аъзоси Хайрулло Турғунов жорий йилнинг январь ойида туман тиббиёт бирлашмасига киритган депутатлик сўровида тумандаги кишлоқ врачлик пунктлари, шовшилч тез тиббий ёрдам ва жаррохлик бўлимларининг аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати депутатлик гуруҳи томонидан ўрганилганлиги ҳақида сўз юритилган. Ўрганишларда бу борада айрим муаммолар аниқланганлиги, хусусан, юқори малакали шифокорлар билан таъминлаш, маъмурий муассасаларнинг беморлар учун белгиланган ҳолатларида ўринлар сонини кўпайтириш, мавжуд ҳолатни яхшилашда назоратни кучайтириш зарурлиги келтириб ўтилган. Шундан сўнг февраль ойига қадар мазкур қамчиликлар тумандаги мутасадди муассасида бартараф қилиниб, туман аҳолисига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати яхшиланиши сайловчилар эътирофи билан таъминланганлиги таъкидлаш жоиз.

— Депутат сайловчилар билан қанчалик қўн ишласа, уларни қизиқтираётган муаммолар моҳиятини тереин тўшуниб, фуқаролар билан мулоқотда бўлиб, уларнинг фикр ва тақлифлари, саволларига ўзининг жавоб ва ечим топишга эришса, унинг ўзига бўлган ишонч, ишлаш иштиғи ҳам кучайиб боради, — дейди де-

путат Икбол Сотволдиев. — Бугунги кунда ана шундай ишончга муносиб бўлиш учун депутатлик гуруҳимиз аъзолари ҳамжихатликда қўллаб-қувватлаш ишларини амалга оширмоқдалар.

Жумладан, депутатлик сўрови асосида туманимиздаги "Қум" қишлоғидаги "Овул", "Турк", "Урганжи" маҳаллаларини бир-бирига боғлаб турувчи, таъмирталаб бўлиб қолган чорраҳаларни 2016 йилда ички йўлларни таъмирлаш манзилли дастурига киритиш кўрсатиш ташаббусларини қўллаб-қувватлаш туман партия ташкилоти ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Шу каби амалий ишлар боис партия депутатлик гуруҳи сайловчилар ўртасида ишонч ва ҳурмат қозона олади.

Депутатларнинг профессионал маҳорати, ҳар бир масалада ўрганишда масъулият ва талабчанлик билан ёндашиши орқали қўрилган натижага эришиши мумкин.

Депутатлик гуруҳи аъзоси Хайрулло Турғунов жорий йилнинг январь ойида туман тиббиёт бирлашмасига киритган депутатлик сўровида тумандаги кишлоқ врачлик пунктлари, шовшилч тез тиббий ёрдам ва жаррохлик бўлимларининг аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати депутатлик гуруҳи томонидан ўрганилганлиги ҳақида сўз юритилган. Ўрганишларда бу борада айрим муаммолар аниқланганлиги, хусусан, юқори малакали шифокорлар билан таъминлаш, маъмурий муассасаларнинг беморлар учун белгиланган ҳолатларида ўринлар сонини кўпайтириш, мавжуд ҳолатни яхшилашда назоратни кучайтириш зарурлиги келтириб ўтилган. Шундан сўнг февраль ойига қадар мазкур қамчиликлар тумандаги мутасадди муассасида бартараф қилиниб, туман аҳолисига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати яхшиланиши сайловчилар эътирофи билан таъминланганлиги таъкидлаш жоиз.

— Депутат сайловчилар билан қанчалик қўн ишласа, уларни қизиқтираётган муаммолар моҳиятини тереин тўшуниб, фуқаролар билан мулоқотда бўлиб, уларнинг фикр ва тақлифлари, саволларига ўзининг жавоб ва ечим топишга эришса, унинг ўзига бўлган ишонч, ишлаш иштиғи ҳам кучайиб боради, — дейди де-

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Мамлакатимизнинг барча ҳудудлари каби Наманган вилоятида ҳам шу йил май-июнь ойларида ўтказиладиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик қизғин давом этмоқда. Хусусан, сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссияларнинг таркибида халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари борлиги эътиборга молик.

ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ ҚИЗГИН

Ушбу ижтимоий-сиёсий кампанияда вилоят бўйича 882 нафар фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг 9600 дан зиёд маслаҳатчиларини сайлаш режалаштирилган.

Маъмур сайловларга тайёргарлик кўришда Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзолари ҳам фаол қатнашмоқдалар. Партиядошларимизни сайловни ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳлари таркибида қўллаб-қувватлаш мумкин. Улардан бири халқ депутатлари Тўрақўрғон туман Кенгашидаги "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи раҳбари Эркин Эргашевдир. У айни пайтда ушбу маҳаллий Кенгашида қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳафизлигини таъминлаш доимий комиссиясининг раиси ҳам ҳисобланади. Халқ депутатлари туман Кенгашининг қарорига биноан шу кунларда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиянинг раиси сифатида иш олиб бормоқда.

— Бугунги кунда маҳалла фуқаролик жамияти таркибидаги муҳим бўғинлардан бирига айланди, — дейди Э.Эргашев. — У ҳар бир кишининг ҳаётига муҳим роль ўйнайди, одамларни ягона мақсад йўлида бирлаштиради. Бу тизимни шарқона демократиянинг кўринишларидан бири, деб бежиз айтишмайди. Чунки маҳалла ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини ҳал этишда, фуқароларнинг турмуш фаровонлигини юксалтиришда, уларни кичик бизнес ва оилавий тadbиркорликка жалб этишда муҳим ўрин тутди.

Туманимизда 77 та ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият кўрсатади. Уларни бошқаришга халқ орасида обрў-эътиборли, кадр-қиммати баланд, кўпчиликини ортидан эргаштира оладиган, ташаббускор инсонларни танлаб олишни таъминлаш олдимиқда турган энг муҳим вазифадир.

Ишчи гуруҳларига тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикрини инобат олиш, номзодлар билан учрашувлар ташкил этиш, уларнинг дастурлари билан яқиндан танишиш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича йўл-йўриқлар берилди.

Сайловларга пухта тайёргарлик кўриш учун аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари янада кучайтирилмоқда. Бу борада оммавий ахборот воситаларининг фаолияти алоҳида аҳамият касб этди. Ушбу масала бўйича "Янгигўрғон хаёти" газетаси муҳаррири, халқ депутатлари туман Кенгашидаги "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзоси Дилбар Асқарова шундай дейди:

— Хамкасбаримиз билан биргаликда яқинда Андижон шаҳрида бўлажак сайлов кампаниясига бағишланган масалаларни ёритишда оммавий ахборот воситаларининг ролига бағишланган минтақавий семинарда қатнашдик. Бу анжуманда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда ошқоралик ва очиқликни таъминлашнинг аҳамияти ҳақида фикрлар билдирилди. Демак, биз журналистларнинг зиммасидаги масъулият ниҳоятда катта. Биз шу кунларда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссия ҳамда ишчи гуруҳларининг фаолиятини ёритишга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Сайловларнинг қандай ўтишини газетамиз саҳифаларида ёритиш бўйича эса алоҳида режа ишлаб чиқдик. Ижодий жамоамиз белгиланган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун барча имкониятларини ишга солади.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ, "Adolat" мухбири

МУНОСИБ НОМЗОДЛАР ТАНЛАНАДИ

Жиззах вилоятида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг ташкили-ҳуқуқий асосларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Семинарда таъкидланганидек, мамлакатимизда "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилининг изчил ҳаётга татбиқ этилиши натижасида маҳаллаларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузи йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётган. Тadbир иштирокчилари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар ичидан сайлашни лозимийлиги хусусида сўз юритдилар.

— Жорий йилнинг май-июнь ойларида бўлиб ўтаётган сайловларнинг аввалгилардан фарқи шундаки, бу жараёнда сайловлар давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини демократлаштириш ва либераллаштириш, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнлари чуқурлашиб бораётган, сифат жиҳатидан янги ижтимоий-иқтисодий ҳамда ижтимоий-сиёсий шароитда бўлиб ўтиши билан аҳамиятлидир, — дейди фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи вилоят комиссияси раиси Баҳром Мамажонов. — Бўлажак сайловларда вилоятимиз бўйича 304 нафар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг 3 минг нафардан ортик маслаҳатчи сайлашни режалаштирилган. Бу вазифага обрў-эътиборли, ташаббускор, ҳаётий тажрибага эга ва ҳар томонлама муносиб номзодларни кўрсатишимиз керак бўлади.

Семинарда кўмаклашувчи комиссиялар ҳамда ишчи гуруҳларининг ваколатлари, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимларига номзодлар учун қонунчиликда белгиланган талаблар, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш жараёнидаги устувор вазифалар хусусида батафсил фикрлашиб олинди. Муҳими, бу масалалар мутасаддилар томонидан чуқур таҳлил қилиб берилди.

— Барча ташкилий ишлар белгиланган тартибда олиб борилаётганда, — дейди Жиззах шаҳар "Қассоблик" маҳалла фуқаролар йиғинидаги ишчи гуруҳ раиси Қаршигул Хайдарова. — Сайловни юқори савияда, ушқоқлик билан ўтказиш учун зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Муҳимбой ИСМОИЛОВ, "Adolat" мухбири

Ана шундай ҳамкорлик, ташаббускорлик билан ҳудудларда фуқаролар манфаатларини рўйбга чиқаришда фаоллик кўрсатаётган депутатлар эл ишончини оқлаш билан бирга партияимиз нуфузини янада ошираётгани қувонарлидир. Шу боис бувайдалликлар билан суҳбатлашганимизда сайловчиларнинг "биз уларни сайлашда адашмаганмиз" деган сўзлари бежиз айтилмаганига амин бўлдик.

Комила ИСРОИЛОВА, Фарғона вилоят кенгаши матбуот котиби

СИЁСИЙ КУЧ САФЛАРИНИНГ ЖИПСЛАШУВИ қуйи тузилмалар ҳамжихатликда фаол ишлашига боғлиқ

➤ БПТ — ПАРТИЯ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон “Адолат” СДП Учкудук туман кенгаши Навоий вилоятидаги партия тузилмалари ичида пешқадам ташкилотлардан саналади. Бунда унинг таркибига бирлашган 17 та бошланғич партия ташкилоти етакчилари ва 672 нафар аъзолари фаоллиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Бошқача қилиб айтганда, партиянинг асосий таянч бўлини ҳисобланган бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратилаёпти. Биз туман тиббиёт бирлашмаси қошидаги бошланғич партия ташкилоти фаолияти билан танишар эканмиз, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

— Бошланғич партия ташкилотимизга 78 нафар аъзо бирлашган, — дейди мазкур БПТ раиси Багдаул Эсполова. — Уларнинг барчаси фаолиятлари мазмун-моҳиятини партия нуфузини янада кўтариш, юртдошларимизнинг партияга бўлган ишончини мустаҳкамлашда, деб билган ҳолда партиявий ишларни астойдил ҳамжихатликда амалга оширмоқдалар. Бу эса корхона, ташкилот ва муассасаларда ўтказилаётган тадбирларнинг таъ-

сирчанлиги, фуқаролар диққатини кўпроқ жалб этишида ҳам ўз аксини топмоқда. Хусусан, “Инсон манфаатлари — олий қадрият”, “Тинчлик — тараққиёт гарови”, “Соғлом бола — соғлом ва ахил оиланинг меваси”, “Атроф-муҳит муҳофазаси ва жамоатчилик назоратини кучайтиришда ННТларнинг ўрни” “Онла мустаҳкамлиги — фаровонлик асоси” каби бир қатор тадбирлар кўпчиликтида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ўтказилаётган ҳар бир тадбирда партияимизнинг гоё ва мақсадларини тарғиб этишга асосий эътибор қаратилмоқда. Натيجани БПТ аъзолари сони шу йилнинг ўзига 60 нафарга кўпайганида ҳам яққол кўриш мумкин. Партияимизнинг бир қатор лойиҳалари доирасида ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш, тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга

қаратилган амалий ишлар ҳам самарали бўлмоқда. — Мазкур бошланғич партия ташкилоти фаолиятида ўрганишга аризулик жиҳатлар кўп, — дейди Учкудук туман партия кенгаши раиси Гуллисо Қудратова. — Шуни назарда тутиб, бошланғич ташкилотлар етакчилари ва фаоллари иштирокидаги “Бошланғич партия ташкилоти фаолиятини такомиллаштириш ва самардорлигини ошириш” мавзусидаги давра суҳбатини айнан шу ерда

ташкил этиб, ибратли БПТларнинг тажрибаларини оммалаштирдик. Албатта, партия тизимида ташкилотларнинг ҳамжихатликда ишлаши сиёсий куч сафларининг жипислашуви, аҳолининг ишончи ортиси ҳамда электротат манфаатларини рўёбга чиқариш имконлари кенгайишига хизмат қилади.

Садоқат ШАМСИЕВА,
Навоий вилоят кенгаши
матбуот котиби



СДП хабарлари

Бугунги кунда давлатимиз томонидан ёшларни маънавий жиҳатдан етук ва баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фарзандларимизни турли ёт ва вайронкор гоёлар таъсиридан сақлаш, бу борада тарғибот ишларини кучайтириш ҳаёт талабига айланмоқда. Чунки ўсиб келаётган ёш авлод ниҳол мисолидир.

БЎШ ВАҚТДА БЎШЛИҚ пайдо бўлмасин

Озгина эътиборсизлик ҳам ёш шуурда маълум даражада бўшлиқ пайдо бўлишига олиб келади. Бизнинг қарашларимиз, таллаган йўлимиз ва юртимизнинг ривожланишига соя солиш истагидаги кимсалар учун бундай бўшлиқ бир имкон бўлиб кўринади. Ёшларнинг қалбига Ватанга муҳаббат туйғусини уйғотиш, маънавий дунёсини бойитиш ҳамда бўш вақтларини самарали ўтказишларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ёшларнинг бўш вақти душманнинг иш вақти эканлигини унутмаслик даркор.

Ўзбекистон “Адолат” СДП Андижон вилоят кенгаши томонидан Булоқбоши туманида “Ватан келажаги ёшлар қўлида” лойиҳаси доирасида “Биз вайронкор гоёларга қаршимиз” мавзусида тадбир ташкил этилди. Унда партия фаоллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, ИИБ ходимлари, ФЖШМҚМИ вилоят ҳудудий бўлими мутахассислари, “Камолот” ЁИХ, маҳалла фаоллари, ота-оналар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Кун тартибидagi мавзу юзасидан Андижон вилоят партия кенгаши раиси Паттоҳон Асханов, “Ёш адолатчилар” қаноти етакчиси Зиёда Қосимова, Булоқбоши туман партия кенгаши раиси Н.Қаримов маърузалари тингладилар.

Кейинги йилларда олиб борилаётган тарғибот ишларига қарамай орамизда турли ёт гоёлар таъсирида йўлдан адашган, ёшларга бўлган эътибор ва ғамхўрликлардан мақсадли фойдаланмаётганлар, оз бўлса-да, учраб турибди. Айрим ёшларнинг ижтимоий тармоқлардан самарали фойдаланиш ўрнига унинг таъсирида жиноят кўчаларига кириб қолаётгани, интернет майдонини дам олиш воситасига айлантираётгани сир эмас. Баъзи йигит-қизлар бўлмагур ижтимоий тармоқларда кўп вақтини ўтказмоқдалар. Улар ўзлари билмаган ҳолда бизнинг сиёсатимизга, қонунларимизга зид гоёларни тарғиб қилувчи сайтларга кириб қолишлари натижасида йўлдан адашмоқдалар.

Иштирокчилар бундай ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ишлари ҳақида фикр алмашдилар. Тадбир доирасида “Қиёматга қолган қарз” номли фильм намойиш этилди.

Акбаржон НАЗАРОВ,
Андижон вилоят кенгаши матбуот котиби

ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК УЧУН БИРГА КУРАШАМИЗ

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиалида “Биз вайронкор гоёларга қаршимиз” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон “Адолат” СДП Қорақалпоғистон ҳудудий кенгаши масъул ходимлари, халқ депутатлари Нукус шаҳар Кенгаши депутатлари, партиянинг “Аёллар” ва “Ёш адолатчилар” қаноти фаоллари, ўқитувчи ва талабалар иштирок этишди.



Ёт гоёлар хуружидан сақланинг

Давра суҳбатида ҳозирги глобаллашган ахборот муҳити шароитида ёшларда ижтимоий-сиёсий жараёнларга муносабатини тўғри шакллантириш, улар онгида ахборот олиш ва тарқатиш маданиятини ривожлантириш, ахборот оламида ёшларнинг иштирокини кенгайтириш ҳамда уларда интернет тармоғи орқали бўлаётган турли ахборот хуружлари ва ҳар қандай салбий иллатларга қарши мафқуравий иммунитетини мустаҳкамлаш каби масалалар хусусида сўз юритилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сайловолди дастурида “Адолат” СДП мамлакатимиз келажаги соғлом ва ҳар томонлама уйғун ривожланган ёшлар қўлида, деб эътироф этилади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ёшлар сиёсати, уларнинг ҳар томонлама етук, қомил инсонлар бўлиб вояга етишлари йўлида амалга оширилган чора-тадбирлар ҳақида гапирар эканмиз, мустақиллигимизнинг илк кунларида, аниқроғи, 1991 йил 20 ноябрь кунини қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги қонуни ва Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини тилга олиб ўтиш ўринли саналади.

Бу қонун ва қарор юртимиз ёшларининг таълим-тарбия олиши учун етарли шароит яратиш, уларнинг мамлакат ва жамият ҳаётидаги фаолликларини ошириб боришга қаратилган муҳим ҳужжатлар сифатида хизмат қилмоқда.

Бугунги даврда аҳолининг ахборот олиш имкониятлари кенгайиб бормоқда, бу эса, ўз навбатида, фуқароларимизни, айниқса, ёшларни салбий ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш зарурлигини олдимишга долзарб вазифа сифатида қўймоқда.

Бугун дунёнинг деярли барча мамлакатларида интернет тармоғи орқали глобаллашув жараёни никоби остида бузғунчилик ва ахлоқсизликни тарғиб қилаётган турли ахборотлар кириб бормоқда. Бу жараёнда бошқа халқларнинг маънавий, маданияти, турмуш тарзи, дунёқарашини ўзгартириш мақсадини қўзлаган нияти бузуқ гуруҳлар айнан ёшлар қатламини ўз ҳаракатларининг асосий ишонига айлантирмоқдалар. Шу сабабли бугунги кунда ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш, турли маънавий таҳдидларга нисбатан мафқуравий иммунитетини шакллантириш бўйича ишларни амалга оширишда халқимизнинг кўп миңг асрлик тарихи давомида тўплаган меросидан, бой маънавий ва адабиёт дурдоналаридан унумли фойдаланишимиз зарур.

Тадбирда “Қиёматга қолган қарз” номли ҳужжатли фильм намойиш этилди ва мавзу юзасидан ёшлар ўз фикрларини баён этишди.

Шарипа ТОРЕШОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот котиби

Миллий сегментда ижтимоий тармоқлар аҳамиятини кучайтириш зарурати

Пойтахтимиздаги Турин политехника университетида Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар кенгаши томонидан партиянинг “Ватан келажаги ёшлар қўлида” лойиҳаси доирасида “Ахборот хавфсизлигини таъминлаш — муҳим вазифамиз” мавзусида ўтказилган тадбирда партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати масъул ходимлари, Тошкент шаҳар партия кенгаши фаоллари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита мутахассислари, партиянинг “Ёш адолатчилар” қаноти аъзолари, таълим муассасаси ўқитувчи-профессор ва талабалари қатнашдилар.

Унда сўзга чиққан иштирокчилар аҳоли, айниқса, ёшларни интернет тармоғи орқали хавф туғдираётган турли экстремистик, террористик, миссионерлик оқимлари, “оммавий маданият” ва бошқа ёт гоёлар таъсиридан асраш, уларда бундай иллатларга қарши маънавий иммунитетни шакллантириш, ёш авлодини ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

— Ҳозирги глобаллашган ахборот муҳити шароитида ёшларда ижтимоий-сиёсий жараёнларга тўғри муносабатини шакллантириш, уларга ахборот

олиш ва тарқатиш борасида тушунчалар бериш, ёшларда ахборотни саралаш маданиятини юксалтириш ҳамда уларда интернет тармоғи орқали бўлаётган турли ахборот хуружлари ва мафқуравий таҳдидларга қарши гоёвий қарашларини мустаҳкамлаш мақсадида партияимиз фаоллари жамоат ва давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда, — деди Олмазор туман партия кенгаши раиси Мансур Мейликов. — Шуни таъкидлаш лозимки, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, ҳуқуқий билимларини ошириш ҳамда миллий сегментда ижтимоий тармоқлар аҳамиятини

кучайтириш мақсадида партияимизнинг “Adolat.uz” сайтида ёшлар форуми ташкил этилган бўлиб, сайтга ташриф буюрувчилар долзарб мавзулар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириши мумкин.

— Мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар сони жадаллик билан ўсиб бормоқда, — дейди Турин политехника университети талабаси Азиза Тожимуротова. — Албатта, ҳар бир соҳа вакили интернетдан ўзи учун фойдалани маълумотларни олиши мумкин. Бирок сайтларнинг ҳаммасини ҳам маънавий-ахлоқий талабларга жавоб беради, деб бўлмайди. Шу боис ёшларда ахборот олиш ва ундан фойдаланиш маданиятини юксалтириш, хавфсиз интернет муҳитини шакллантириш юзасидан олиб борилаётган ишларни кучайтириш айти мумкиндир.

Ёшлар тадбирда намойиш этилган мавзуга доир фильм ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдириб, интернетдан фойдаланиш маданиятини ошириш усуллари ҳақида ўз тақлифларини баён этдилар.

Феруз ЖҲҲАЕВ,
Тошкент шаҳар кенгаши
матбуот котиби

ОГОҲ ОДАМ доғда қолмайди

Диний-экстремистик ҳаракатларни амалга оширишни режалаштирган бир гуруҳ шахсларнинг жиноий қилмишлари ҳақидаги бир қатор ҳужжатли фильмлар Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси каналларида намойиш этилди. Огоҳликка давват этувчи ушбу кўрсатувларда тасвирланганидек, террористик ташкилотларнинг пуч гоёлари таъсирига тушиб, ўз юртига хиёнат қилиш йўлига кирган кимсаларнинг аслида энг қабиҳ ишлардан тоймайдиган бўлиб қолганлиги барчамизни таассуфга солади.

Олий Мажлис Сенатининг “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги қарорига кўра аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшдан ошган эркеклар, чет давлатлар фуқаролари, I ва II гуруҳ ногиронлари, эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар ҳамда ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёшлар учун оғир бўлмаган жиноятларни қасдан содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинди. Бундай баргикенглик, кечиримликни сунистеъмол қилиб, ўз эркинлигининг қадрига етмаган, муҳиш қилмишларининг оқибатини тушунмаган айрим кишиларнинг яна жиноят йўлига киришлари одамни ажаблантиради.

Одамларнинг юртимиз тўғрисидаги тасаввурларини ўзгартирмоқчи бўлаётганларга, хусусан, хўжасидан суяк олиш илжинида интернетда турли бўхтавларни тўкиб-бичаётганларга эса илм-маърифатли, обод Ватанимизни севиб-ардоқлаётган, уни қўз қорачиқдек асрашга қодир барча инсонлар нафрат билан қарайдилар. Агар ивво қилувчилар билсалар, уларга Ватандан мусово бўлишнинг ўзи ҳам жазодир.

Ўзбекистон “Адолат” СДП Жиззах вилоят кенгаши томонидан тинчликни қадрлаш, ёшлар маънавиятини янада юксалтириш, дин никоби остида ёт гоёларни тарғиб этишга уринаётган кимсалар кутқусидан огоҳ бўлишга ундаш мақсадида аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётган. Хусусан, Жиззах вилоят партия кенгаши томонидан ҳафтаининг ҳар душанба кунини “Диний экстремизм тинчлик ва тараққиётга таҳдид солмасин”, “Огоҳ бўлган доғда қолмайди” каби қатор мавзуларда маънавий соати ўтказилиб келинмоқда. Шунингдек, жойларда “Интернет маданияти ва ахборот хавфсизлиги — муҳим вазифамиз”, “Биз вайронкор гоёларга қаршимиз”, “Одам савдоси — муҳиш жиноят” каби мавзуларда тадбирлар ва учрашувлар ўтказилмоқда.

Зеро, соҳта гоёлар таъсирида жаҳолатта берилган кимсаларнинг таҳдидларига қарши юксак маънавийтимиз, илму маърифат, бунёдкор гоёларимиз орқали қатъий курашиш ҳар биримизнинг бурчимизга айланган.

Маърифат МАВЛОНОВА,
Жиззах вилоят кенгаши матбуот котиби

ВАТАН ИЧРА ГЎЗАЛ БИР ЧАМАН

Давом. Бошланиши 1-бетда

Бу ерда яшаб ўтган улуг алломалар хотиралари абадийлаштирилди. Улуг шоир Боборахим Машрабга бағишланган “Машраб боғи” барпо этилди. Шаҳар марказида Нодим Намангонийнинг қабри устига мухташам, гумбазли макбара тикланди. Шаҳарнинг тарихий масканлари обод килинди.

Наманган шаҳрини замонавий ва миллий тарзда барпо этиш, қайта қуриш ва ободонлаштириш ишлари 2009 йилдан бошланди. Мамлакатимиз Президентининг “Наманган шаҳрини 2009-2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чоратadbирлар дастури тўғрисида”ги қарори бу ишларнинг амалга ошиши учун асос бўлди. Ушбу ишларнинг рўйбга чиқиши учун республика ҳукумати томонидан катта миқдорда маблағ ажратилди. Дастлабки ишлар шаҳар марказини шакллантириш, уни қайта қуришдан бошланди. Бу ердаги эгри-бугри тор кўчалар, кўримсиз уйлар бузилди. Маънавий эскирган бинолар олиб ташланди. Натижада вилоят ва шаҳар ҳокимияти маъмурий бинолари олдида катта майдон вужудга келди. Майдон кўкаламзорлаштирилди, манзарали дарахтлар ўтказилди. Гулзорлар барпо килинди. Майдон марказида шаҳар рамзи сифатида тинчлик стеллажи қад ростлади. Майдоннинг икки томонида — вилоят ўлкашунослик музейидан майдонгача ва майдондан “Чорсу дехкон бозори” гача гўзал хиёбонлар ташкил этилди. Марказда кенглик, мухташамлик, кўркамлик юзага келди. Булардан ташқари, шаҳар марказининг қиёфасини янгидан шакллантириш учун бу ердаги Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи, Алишер Навоий номидаги вилоят музыкали драма ва комедия театри, Нодира номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази, Наманган давлат университети, тиббиёт коллежи бинолари ва бошқа иншоотлар реконструкция қилинди. Шунингдек, “Ёшлар маркази”, “Тантаналар уйи”, турар жойлар ва маиший хизмат кўрсатиш шохбчаларидан иборат янги иморатлар бунёд этилди. Бу-



Наманган шаҳри географик жihatдан ниҳоятда қулай ўринда, мусаффо ҳаволи нуқтада, жанубий қисми сувга сероб пасттекислик, шимолий қисми тоғ этагидаги адирликлар бағрида жойлашган. Дунё архитектурасида бундай ўринда жойлашган шаҳарлар мезморчиликнинг табиат ато қилган гўзал намунаси, деб эътироф қилинади. Наманган шаҳрининг қиёфасида ҳам ана шу гўзаллик ўз ифодасини топади. Пастдан адирликларга назар ташласангиз, шаҳар тепангизда тургандек, тепаликлардан қарасангиз, шаҳар қаршигада ястаниб ётгандек таассурот уйғонади. Мезморлар бу ердаги хар бир кўча, хар бир иншоот, бинонинг қурилишига ўзига хос тарзда ёндашганлар. Бу шаҳарнинг кўркам қиёфасини яратишга имкон берган. Шаҳарнинг марказидан бошланиб унинг шимолий нуқтасидаги адирликлар бағридаги даҳалар, мавзелар, маҳаллалар, санаот мажмуаларини бирлаштирган йўл — “Дўстлик” шохкўчаси шаҳарсозлиқнинг ноёб намунаси ҳисобланади. 10 километрдан ошиқ масофага чўзилган бу кенг, равон ва кўркам шохкўчани шаҳарнинг марказий қон томири дейиш мумкин.

“Навбахор” футбол жамоаси машғуллар олиб борадиган стадион тубдан қайта реконструкция қилинди. Кўплаб банкларнинг маҳобатли, гўзал бинолари қад ростлади. Янги “Дехкон бозори” ишга туширилди. — Бирор жойда бозор барпо этиб, унга савдо аҳли ва харидорларни жалб қилиш, уни одамлар гавжум бўладиган жойга айлантириш осон иш эмас, — дейди меҳнат фаҳрийси Маматвали Турғунов. — Чунки халқимиз орасида “бозор ва йўлни қаерда қуришни одамларнинг ўзи танлайди, тўғри келган жой бозор ва йўл бўлавермайди”, деган гап бор. Наманганда янги барпо қилинган “Яшил дехкон бозори” халқнинг ўзи танлаган жойда тиклангани боис харидорлар оёни узилмайдиган масканга айланди. Бозор номига муносиб, йил ўн икки ой бу ердан дехкончилик маҳсулотлари аримади. Бу ердаги орасталик, гўзаллик, тўқин-сончилик хар қандай одамни ўзига ром қилади. Биз шаҳримизда ана шундай обод жойлар кўп бўлишини истаймиз.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Наманган шаҳри ҳозирги пайтда 83 квадрат километрдан иборат худудни эгаллайди. Бу ерда 500 минг нафарга яқин аҳоли ҳаёт кечиради. Шаҳар ўз бағрига Давлатобод, Бўстон, Ўрикзор, Ёшлик сингари кўплаб даҳаларни, 82 та маҳаллани бирлаштиради. Шаҳар аҳолисининг тенг ярмини ёшлар ташкил қилади. Улар учун бу ерда 54 та мактабгача таълим муассасаси, 78 та умумтаълим мактаби, 4 та академик лицей, 17 та касб-ҳунар коллежи, 3 та олий ўқув юрти фаолият юритади. Эндиликда ана шу таълим муассасаларининг бир қисми учун мавжуд бинолар қайта қурилган бўлса, аксарият қисми янгидан бунёд этилган. Улар замонавий шаҳарсозлиқ талаблари асосида яратилган. Шаҳарда ижтимоий-иқтисодий соҳалар ҳам ривожланиб бормоқда.

Бу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва даромадларнинг бир қисми кўшма корхоналар, микрофирмалар, кичик корхоналар, тадбиркорлар хиссасига тўғри келади. Ушбу ютуқлар натижасида шаҳарда хар йили 160-170 миллиард сўмлик маблағ қурилиш, бунёдкорлик соҳасига сарфланади. Албатта, шаҳарда қилинган барча ишлар кўламини дафъатан англаш қийин. Бунда шаҳарсозлиқда қўлга киритилган ютуқлар шаҳарнинг аввалги кўчалари билан бугунги кўчаларини, олдинги иморатлари билан ҳозирги иншоотларини, Наманганнинг аввалги қиёфаси билан бугунги қиёфасини ўзаро таққослаганда яққол намоён бўлади.

Бугун Наманган шаҳрининг барча нуқталарида уни замонавий ва миллий шаҳарсозлиқ аънаналари асосида барпо этиш учун қурилиш, бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Аввало, шаҳарнинг “Чорсу”, “Сардоба” бозорларида кенг қўламдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. “Чорсу” мавзеида кўп қаватли турар жой бинолари қад ростлади. Шаҳарнинг “Бобуршоҳ”, “Истиклол”, “Тўрақўрғон”, “Гирвонсой” каби ўндан ортик кўчалари қайтадан тўла реконструкция қилинмоқда. Бу кўчалар ҳам энгиз, ҳам бўйига узайтирилди. Айниқса, шаҳар марказини унинг жанубий қисми билан боғлайдиган “Бобуршоҳ” кўчасидаги бунёдкорлик ишлари кўлами ниҳоятда катта. Бу ердаги икки-уч қаватли иншоотлар тархи, қурилиши, безалили ва бошқа жиҳатлари билан бири иккинчисини тақрорламайди. Айни пайтда, шу қўчанинг ўзида юздан ортик савдо шохбчалари, маиший хизмат уйлари ишга туширилмоқда. Кўча кенгайтирилганлиги, уйлар, бинолар олдида экомданият тизими яратилганлиги учун у янада обод ва кўркам қиёфа касб этди. Ана шундай яратувчанлик шаҳарнинг бошқа кўчаларида ҳам давом этмоқда. Бир пайтлари “Истиклол” кўчасида кимё заводи, ёр ишлаб чиқариш корхонаси бўлганлиги сабабли бу ерда шаҳар қиёфасини бузиб қўрсатадиган ҳолатлар юзага келганлиги учун кўча кенгайтирилди, янги турар жойлар қурилди. Тўқимачиликка асосланган янги “Карбонан” қўшма корхонаси ишга туширилди. Кўча обод қиёфа касб этди. Эндиликда шаҳар қиёфасидаги бу ободлик, кўркамлик наманганликлар қалбидан ҳам бунёдкорлик руҳини уйғотмоқда.



Ҳотамжон Мамадпоев (ўзА) олганлар суратлар

ларнинг бари ўзаро уйғунлашиб, вилоят марказида замонавий шаҳарсозлиқ қиёфаси яратилди.

— Кўчса фарғатларда амалга оширилган бу бунёдкорлик ишларининг ҳаммаси Наманганнинг истиқлолдан кейинги янги шаҳарсозлиқ тарихини ҳам бошлаб берди, — дейди Наманган давлат университети профессори Турсунбой Файзуллаев. — Қайта қуриш, бунёдкорлик деган сўзлар айтишга осон. Лекин буларнинг замирида қанча машаққатлар, тинимсиз изланишлар ётибди. Эътибор беринг, илгари вилоят театри атрофини турли ташкилотлар иншоотлари ўраб олган кўримсиз бир бино эди. Қайта қуриш ва жиддий таъмирдан кейин театр чинакам санъат кошонасига айналди. Атрофидан очкилик, кенгликни айтмайсизми? Баҳри дилингиз очилади. Ёки шу ердаги “Ёшлар маркази”ни кўринг. Уни эски иморатлар ўрнида барпо этиш осон бўлгани йўқ. Энди эса у том маънода вилоятимиз ёшларининг марказига айланди. Умуман, мен шаҳаримизнинг қоқ ўртасида қайта қурилган, бунёд этилган университет биноси, кутубхона, коллеж, театр, “Ёшлар маркази”, “Тантаналар уйи” каби иншоотларни ўз бағрига жамлаган бу масканни илм-фан, санъат маркази, деб атаган бўлардим.

Унда шаҳарнинг ўнлаб маъмурий иншоотлари, табобат марказлари, “Хотира” майдони, Наманган темир йўл вокзали, “Қамолот” ёшлар боғи, “Пахлавон” спорт мажмуаси, Наманган муҳандислик педагогика институти, “Яшил дехкон бозори”, мухташам қилиб қурилган Ташки иқтисодий фаолият миллий банки вилоят бўлими биноси жойлашган. Шаҳарсозлиқнинг энг замонавий андозалари асосида тикланган, биринчи қавати савдо шохбчалари, маиший хизмат корхоналаридан иборат юзлаб турар жой бинолари, меҳмонхоналар, гузарлар, спорт иншоотлари ҳам ана шу шохкўчада қад ростлаган. Бу кўча кейинги икки-уч йил ичида нафақат реконструкция қилинди, балки тўла равишда қайтадан бунёд этилди. Мамлакатимиз Президенти 2011 йил 30 сентябрда Наманган шаҳрига ташриф буюрар экан, бу ерда амалга оширилган ишларга, “Дўстлик” шохкўчасида қурилган йўл ўтказигича, бу иншоот қурилиши натижасида шаҳарнинг кўчаларида транспорт воситалари тирбандлиги бартараф этилиб, хавфсиз ва узлуксиз ҳаракат таъминланганига юксак баҳо берганди. Шаҳарнинг бу қисмидаги Наманган аэропорти таъмирланди, унинг худуди ободонлаштирилиб, замонавий ёритиш тизимлари ўрнатилди.

ГУЛЛАР БАҒРИДАГИ ШАҲАР

2007 йилнинг бошларида Наманган шаҳри марказидаги эскирган, талабга жавоб бермайдиган баъзи уйлар, иншоотлар, корхоналар бинолари бузилиб, уларнинг ўрнида майдонлар, хиёбонлар барпо этилиб, кўчалар кенгайтирилади бошланган пайтларда ҳозир шундай ишлар зарур экани деб, қилинаётган ишлардан норози бўлганлар ҳам бор эди. Орадан бир-икки йил ўтгач, янги майдонлар, хиёбонлар пайдо бўлиб, бозор кенгайтирилиб, театр биноси тўла равишда қайтадан тикланиб, таъмирланиб, атрофи ободонлаштирилиб, кўчалар кенгайтирилиб, уларнинг икки томонида икки-уч ва кўп қаватли ишонам турар жойлар қад ростлаб, шаҳар қиёфаси тубдан янгилана бошлаганидан кейин наманганликлар қалбидан шаҳар келажакига ишонч уйғонди. Бугун Наманганнинг кўплаб кўчалари, даҳалари, мавзеларида олиб борилаётган бунёдкорликлар натижасида юзага келган гўзаллик, кўркамлик, аҳоли учун қўлайликлар шаҳар аҳлини ўзига батамом ром қилди. Эндиликда бизларнинг даҳамизда, маҳалламизда, кўчамизда бундай қайта қуриш, бунёдкорликлар қачон бўлар экан деб сўрайдишлар, энг муҳими, ўз уйи, кўчаси, маҳалласини шаҳар ҳаётига монанд тарзда ҳам замонавий, ҳам миллий асосда барпо этаётганлар, обод қилаётганлар сафи кенгайди.

Бугунги кунда ёши 50-60 ни қоралаган ва ундан ҳам юқори ёшдаги бирор наманганлик билан суҳбатлашиб қолдудек бўлсангиз, “Шаҳарнинг ҳамма томонини обод қилиб, чиройли, кўркам ҳаёт тарзини яратиб, роҳатланиб, қилган ишимиздан мамнун бўлиб яшаса ҳам бўлар экан-ку! Наҳотки шу пайтгача ўйимиз, юртимиз, элимизга бепарво, лоқайд ҳолда, кунимиз ўтса бўлди, деб яшайверган бўлсак. Мустақиллик бизга нафақат озодлик, ҳурлик, ўз юртимизга эгалик ҳуқуқини берди, балки бизни лоқайдлик, бепарволик ўйқусидан уйғотди, қалбимизда Ватанини чинакамаги севиш туйғусини юксалтирди”, дейди қувончдан энтиқиб. Шундай пайтда Юртбошимизнинг “Янги уй-жойларни, кўчаларни, шаҳарларни пўхта лойиҳа асосида шундай мустақам қурайликки, бундай шаҳарлар ва уйларда келгуси авлодлар роҳат-фароғатда ҳаёт кечирсин. Фаровон ҳаёт халқимизнинг, жумладан, наманганликларнинг умумий турмуш маданияти, маънавиятининг янада юксалишига хизмат қилсин”, деган сўзлари ниҳоятда топиб айтилганлигига яна бир бор амин бўласиз.

Бугун Наманганда барпо этилаётган уйларни қўриб ҳайратга тушасиз. Қурилиши, тарзи, таъқиқ кўриниши жиҳатидан бири иккинчисини тақрорламайди. Гўзаллиги, кўркамлиги, ишонамлиги жиҳатидан хар қандай оилага маъқул тушиши шубҳасиз. Бунинг устига икки ва ундан ортик қаватли аксарият уйларнинг дастлабки қаватларида дўқонлар, маиший хизмат корхоналари, тамаддионалар, турли ташкилотлар офислари жойлашганки, шаҳар аҳли кундалик зарурат учун ортикча вақт сарфлаб юрмайди. Шаҳар йўллари, кўчалари йилдан-йилга обод бўлиб, замонавий қўриқинида кенгайиб бормоқда. Кўчалар ўрталари ихоталанмоқда. Катта ва кичик ҳалқа йўлларнинг, йўл ўтказигичларнинг барто этилиши аҳоли учун қўлайлик тугебормоқда, транспорт қатновига кенг йўл очиб бермоқда. Бундан чорак аср илгари шаҳарда бир-иккита марказий йўл бор эди, холос. Бугун эса бир неча йўлаб кўчалар, йўллар барпо этилди. Эндиликда Наманган шаҳри ҳам энгиз, ҳам бўйига кенгайиб, чиройли қиёфа касб этди, ўз бағрида халқимизнинг бунёдкорлик қудратини намоён қилмоқда. Гўёки шаҳар воқий ичра гўзал бир чаманга, гуллар бағридаги масканга ўхшайди.



талаб қилинади. Давлатимиз раҳбари савй-ҳаракати билан мамлакатимизда, жумладан, Наманган шаҳрида олиб борилаётган бунёдкорлик, қайта қуриш, яратувчанлик ишлари ана шу мақсадга қаратилган. Шу мақсадда шаҳарнинг хар бир мавзеи, маҳалласи, кўчаларида спорт-соғломлаштириш мажмуалари, кичик стадионлар қурилмоқда. Ёшлар дунё микёсида рўй бераётган янгилликлардан хабардор бўлишлари учун ахборот марказлари, интернет-кафедр фаолият юритмоқда. Шаҳарнинг ўртасида қад ростлаган “Ёшлар маркази” Наманган ёшларининг севишли масканига айланган. Бу ерда уларнинг илм-фан сирларидан, халқимиз тарихи, маданий бойликлари, дунё воқеаларидан баҳраманд бўлишлари учун барча имкониятлар яратилган. Шунингдек, шаҳар марказида замонавий андозалар асосида бунёд этилган “Баркамол авлод” спорт мажмуаси ҳам ёшлар учун хизмат қилмоқда. Бу мажмуада ёш авлоднинг бокс, стол тенниси, бадий гим-

рат замонавий ва миллий шаҳарсозлиқ режаси ишлаб чиқилган. Бу режага кўра шаҳар майдони ҳам, аҳолиси ҳам икки-икки ярим бара-врга кенгайиши ва қўпайиши кўзда тутилган, — дейди мезмор Илҳом Исомиддинов. — Бунда асосан Давлатобод, Бўстон, Ўрикзор, Ёшлик даҳаларининг худудларида қурилиш ишлари олиб борилади. Шунингдек, янги-янги мавзелар, маҳаллалар пайдо бўлади. Саноат корхоналари, ишлаб чиқариш мажмуалари шаҳарнинг жанубий-ғарб томонида, аҳоли учун турар жойлар, маънавий хордик чиқариш, соғломлаштириш масканлари эса шимолий-шарқ қисмида барпо этилади. Шаҳримиз худудидан шимолий Фарғона, Катта Наманган, Намангансой, Гирвонсой, Янгиарик каналлари оқиб ўтади. Келгусида улар ўзларидан тортиб кирқоқларигача, соҳил бўйларига ниҳоятда обод масканларга айланади. Буларнинг бари, албатта, шаҳар ҳаётининг гуллаб-яшнаши учун хизмат қилади.

Баъзан шундай бўладики, гўзаллик, ободлик, кўркамлик, бунёдкорлик каби сўзларга тимсол ахтариб, уларни нимага қиёслашни билмай қийналасиз. Бу табиий ҳол. Чунки бу сифатларнинг ўрнини босадиган тимсол ва қиёсларни топиш ҳаммиша ҳам осон эмас. Шундай пайтда Наманган шаҳрига боринг. Унинг янгидан барпо этилган, қайта қурилган кўчалари, майдонлари, хиёбонлари, иморатлари, замонавий корхоналари биноларини томоша қилинг. Ана шунда юқоридаги сифатларга бу шаҳар тимсол эканлигини аниқ кўрасиз.

Рустам ИКРОМОВ,

Ўзбекистон “Адолат” СДП Наманган шаҳар кенгаши раиси

Қамол МАТЕҚУБОВ,
“Adolat” мухбири

Хар байрамга

шу бўлар такрор...

МУЛОҲАЗА УЧУН МАВЗУ

Арафа кунлари, Янги йил, 8 март ёки Наврўз айёми бўладими, қавму қариндош, ака-ука, опа-сингил, дўст-биродарларимизни йўқлаб, шодлигига шодлик қўйишни истаймиз. Негаки, таниш-билишлар у ёқда турсин, ҳатто туғишганлар ҳам тез-тез дийдор қўришиб, бир-бирининг ҳола-аҳолидан бохабар бўлиб турмасам, бу ўзаро меҳр ришталари дарз кетишига олиб келар экан.



расида Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги "Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамият касб этади.

Ноконуний киракашлик фаолияти билан шуғулланиётган жисмоний шахсларга нисбатан эса Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 176-моддасига мувофиқ, энг кам ойлик иш ҳақининг 20 бараваридан 100 бараваригача миқдорда маъмурий жарамага тортилгани белгилаб қўйилган.

Шунга қарамадан, ҳар гал байрам арафасида шаҳарларда катноччи, айниқса, республиканинг турли ҳудудларидан Тошкент шаҳрига келиб-кетувчи киракаш машиналар йўлқира нархи икки-уч баробаргача кўтарилди. Шундан кўра кўпчиликнинг кўнгли қўнғирок бўлди.

Албатта, ушбу ҳолатни орқаворатдан эшитганимиз кўра, кўз билан кўрган маълум. Шу мақсадда Наврўз байрами арафасида "Олмазор" метро бекати яқинида жойлашган асосий бекат вазифини ўтовчи автогурроҳга бориб, йўловчилар ва хайдовчилар билан суҳбатлашдик, йўлқира нархларини суриштирдик.

Маълумки, йўналишсиз таксилар фаолиятида фойдаланиладиган ҳар бир автотранспорт воситаси тегалик рақам билан йўлқира нархи белгилаш асосида йўлқира нархлари белгилади. Бундан кўра кўпчиликнинг кўнгли қўнғирок бўлди.

бошқаришга хайдовчилик гувоҳномасида «В» рўхсат белгиси бўлган, 21 ёшга тўлган, тиббий кўриқдан ўтган ва камидан уч йиллик хайдовчилик стажига эга бўлган шахсларга рўхсат берилади.

Йўналишсиз таксилар маълумотлари белгилари: олд ойнанинг юқоридаги ўнг бурчагига жойлаштирилган яшил рангли ёриткич чиройи, автомашинанинг давлат рақами белгиси, хайдовчининг фамилияси, исми, отасининг исми ва фотосурати, иш вақтининг бошланishi ва тугаши, йўлқира қиймати (сўма), таксилар қорхонасининг манзили ва телефон рақами, лицензия қарточкасининг рақами ва амал қилиш муддати тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, мажбурий суғурта қилинганлик ҳақидаги маълумот кўрсатилган маълумотлар таъриҳи белгилади.

Бундан ташқари, ҳисоблагич (таксометр), белгиланган тартибда сотиб олинган ва фойдаланиладиган радиоалоқа воситаси, сўз ҳолатдаги пломбаланган спидометр жиҳозлари, белгиланган тартибда давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказилган назорат-қасса машинаси ҳамда тўловларни банк пластик қарточкаларидан қабул қилиш учун ҳисоб-китоб терминали мавжуд бўлиши талаб этилади.

Байрам баҳонасида мўмай даромадни қўзлаб, йўловчиларни ташин билан ноконуний шуғулланиётган хайдовчиларнинг шахсий машинаси ичидан эса қорқиди ай-тиб ўтилган белгиларни кўриш чирок ёки ҳам топа олмайди.

Вақт деганларни югурки. Мана, Хотира ва қадрлар кўни нишонланганига ҳам санокли кунлар қолди. Хотира абадий, қадр эса эзгуликнинг асосидир. Ушбу муқаддас кунларда ўтаганини хотирлашни, уларнинг руҳини шод этишни бурчимиз, деб биламиз. Айни чоғда дўсту биродарларимизни, ака-ука, опа-сингилларимиз, онахону отахонларимизни йўқлаб боришни ҳам ният қиламиз. Беморлар, маънавий дилда муҳтож кишилар ҳолидан хабар олсам, айни муддао бўлади. Демак, қалбимизга эзгу мақсадни жойлаштириб, йўл тадоригини қўрамиз.

Суюндик МАМИРОВ, "Adolat" мухбири

Хуқуқий масалаҳат

— Яқинда янги «Электрон солиқ хизматлари» портали ишлаб чиқилгани ва тест режимида амалиётга жорий қилингани ҳақида матбуотда ўқиб қолдим. Хўш, бу қандай ўзгаришларга олиб келади? К.Аллаёров, Хоразм вилояти

— Ҳақиқатан ҳам давлат солиқ хизмати тизимида янги портал ишлаб чиқилгани ва тест режимида амалиётга жорий қилингани ҳақида матбуотда ўқиб қолдим. Хўш, бу қандай ўзгаришларга олиб келади? К.Аллаёров, Хоразм вилояти

Ҳақиқатан ҳам давлат солиқ хизмати тизимида янги портал ишлаб чиқилгани ва тест режимида амалиётга жорий қилингани ҳақида матбуотда ўқиб қолдим. Хўш, бу қандай ўзгаришларга олиб келади? К.Аллаёров, Хоразм вилояти

Ҳақиқатан ҳам давлат солиқ хизмати тизимида янги портал ишлаб чиқилгани ва тест режимида амалиётга жорий қилингани ҳақида матбуотда ўқиб қолдим. Хўш, бу қандай ўзгаришларга олиб келади? К.Аллаёров, Хоразм вилояти

Ҳақиқатан ҳам давлат солиқ хизмати тизимида янги портал ишлаб чиқилгани ва тест режимида амалиётга жорий қилингани ҳақида матбуотда ўқиб қолдим. Хўш, бу қандай ўзгаришларга олиб келади? К.Аллаёров, Хоразм вилояти

Ҳақиқатан ҳам давлат солиқ хизмати тизимида янги портал ишлаб чиқилгани ва тест режимида амалиётга жорий қилингани ҳақида матбуотда ўқиб қолдим. Хўш, бу қандай ўзгаришларга олиб келади? К.Аллаёров, Хоразм вилояти

Ҳақиқатан ҳам давлат солиқ хизмати тизимида янги портал ишлаб чиқилгани ва тест режимида амалиётга жорий қилингани ҳақида матбуотда ўқиб қолдим. Хўш, бу қандай ўзгаришларга олиб келади? К.Аллаёров, Хоразм вилояти

Саволга Давлат солиқ қўмитаси солиқ тўловчиларга интерактив хизматлар кўрсатиш шўъбаси бошлиғи Зулфия ХУДАЙБЕРГЕНОВА жавоб берди.

ПОРА — ЎЗИ ВА ЎЗГАГА ҚЎЙИЛГАН ТУЗОҚ

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

"Ҳаётда иложи йўқ нарсанинг ўзи йўқ, ҳар қандай муаммони пул ёрдамида ҳал қилса бўлади"... Термизлик Ҳамида опа Ҳайдарова (мақоладаги исм-фамилиялар ўзгартirilган) кизи Санобар Тошкент давлат юридик университетига ўқишга кира олмагач, хаёлига биринчи келган гап шу бўлди.

Опанинг ўзи ёшлигида адвокат бўлиши, ҳақ-хуқуқи топталган инсонларни ҳимоя қилишни оруз қилган эди. Шароити оғир бўлган ота-онаси Ҳамидани ўқитолмади, буниси ҳам етмагандек, "Аёл киши ишламай, уй-рўзгор билан шуғулланиши, бола боқиб қолмасин", қабилида фикрлайдиган айитга турмушга чиқди. Хуллас, бунинг қандай қилиб бўлса-да, Санобар онасининг ушмаган орузини рўёбга чиқариши керак эди.

Афсуски, кириш имтиҳони Санобарнинг тайёргарлиги етарли эмаслигини кўрсатди. Ўтган йили ҳам ахвол шу эди. Ҳамида опа қўни-қўшини, маҳалла-қўйини "бу йил ҳам киролмабди" деган гап-сўзига ортик чидай олмаслигини тушуниб етди ва муаммони ҳал қилишнинг бошқа йўлини излаб топшига уринди.

Буни қарангки, муайян миқдордаги пул, пора авазига "катта танишларни орқали ўқишга киритиб қўйишувчи", "ҳожатбарор" инсонлар ҳам топила қолди. Тез орада бундай хизматнинг "нархи" ҳам маълум бўлди. Аммо 15 000 АҚШ долларини йиғиш, таниш-билишларидан қарз олишнинг ўзи осон ҳам бўлмади, лекин опа бунинг уддасидан чиқди.

Кизим бу йил нима қилиб бўлсам шу олий ўқув юртида ўқиши керак, — деди Ҳамида опа "масалани иккөөйи ҳал қила оладиган катта танишларим бор" деган Рустам Равшановга пулни узатар экан. — Сизга ишонсам бўладими? Шартонома пуллари тўлай олмаган талабаларнинг ўрнида кизим ўқишга ишончингиз қилишимиз?

Рустам Равшанов опага хавотирга ўрин йўқлигини, бундай ишлардан қўйининг уддасидан чиқганини айтди экан, Ҳамида

опанинг ёнида танишига қўнғирок қилиб, гаплашгач, ишонч билан деди:

— Хавотир олманг, кизингиз бир ой ичида шу университет талабаси бўлади.

Кунлар кетидан кунлар ўтди, ойлар ҳам ўтди, киши ҳам келди. Лекин масала Ҳамида опа истганидек ҳал бўлавермади. Аввалига қўнғирок қилганида "арта-индин хал бўлиб қолади" дейдиган Рустам бора-бора телефон рақамини ўчириб қўйдиган бўлди...

Ҳам катта миқдордаги пулидан айрилди, ҳам кизининг иши ҳал бўлмаган опа аламига чидай олмай, Рустам Равшановнинг қилмишини норози бўлиб, хуқуқий муҳофаза қилувчи органларга ариза билан мурожаат қилди.

Аниқланшгач, содда, ишонувчан одамларнинг ишончини қозониб, муаммони масалаларни ҳал қилишга ваъда берувчи, аммо эри йўллар билан олинган пора пуллари ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юрган Р.Равшановнинг тузоғига илганлар озчилик эмас экан. Хуусан, ачча вақтдан буён муносиб иш топа олмайётган Ж.Уразалиевдан уни аэропортга ишга киритиб қўйишни ваъда бериб 3500 АҚШ долларини, фарзанди Ф.Тўхтаевни Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг 6 ойлик сержантлар тарқибини тайёрлаш олий курсига ўқишга киритиб қўйишни ваъда бериб Г.Тўхтаевдан 2000 АҚШ долларини, фарзандларини Тошкент давлат педагогика университетида ўқишга киритиб қўйишни ваъда бериб Ш.Шаропов ва С.Ариповлардан жами 6200 АҚШ долларини пора тарихисидан олган. Бундан ташқари, Бахтиёр Аҳмедовнинг ишончига кириб, пулга тадбиркорлик билан шуғулланишини, унга ишлатиб фойзи билан икки ой даво-



мида қайтариб беришни ваъда қилиб, уни алдаб, ишончини сунистьемол қилган ҳолда 13000 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юрган.

Ўзгаларнинг маблағлари ҳисобига кун кечириб олишга қўйиб қўйиб олган Р.Равшанов ўзи билан бирга олийгоҳда тахсил олган курсдоши М.Нурматовани ҳам аяб ўтирмади.

Талабалар — олтин давр. Бегубор, самимий, шижоатли, қизиқувчан ёшлар олийгоҳда тахсил олиш чоғида бир-бирлари билан ака-ука, опа-сингил, ака-сингиллардек яқин бўлиб қолишади. Ҳамма ўқиниши таомлаш пайтида мунтазам учрашиб туриши, бир-бирларининг ҳолидан хабар олишига келишиб олади. Бирок ҳаёт бошқа, ҳаёт бошқа деганларидек, ҳар доим ҳам курсдошлар бир-бирлари билан тез-тез дийдорлаша олмас экан. Ҳар ким ўз ҳаёт йўлини мустақил қўра бошлади. Лекин неча йил ўтса ҳамки, курсдош кўрсатишни учратиб қолса, йўқотган нарсанин топган инсондек курсдош бўлиб кетиши аниқ.

Малика ҳам Рустам билан тасодифан учрашиб қолганида кўнглида ана шундай қувонч хисси уйғонган эди. Уларнинг суҳбати узоқ вақтга ўзгариб, Талабалар чоғларида бўлиб ўтган қизиқ-қизиқ воқеаларни бирма-бир ёдга олишди, узоқ-ўзгирганларини эслашди. Суҳбат якунида Рустам

Малика билан биргаликда тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳақида келишиб олди. Ҳар ҳолда Малика бегона эмас. Собақ курсдошига ёрдам бермасам, кимга ёрдам беради, ахир? Фақат Малика Рустамга бунинг учун, яъни бир неча бош қорамол сотиб олиб, 1-2 ой боқиб фойда қўришлари учун бироз пул бериб туриши керак бўлади...

Курсдошига оз эмас, кўп эмас, нақд 24500 АҚШ долларини келтириб берган Малика катта хатога йўл қўйганини кейин тушуниб етди...

Албатта, фирибгарнинг тузоғига илган хаморолларимизга ачинамиз. Бирок шу ўринда масаланинг бошқа жиҳатига эътибор қаратиш лозим. Фирибгарларнинг найрангига илнимаслик учун, аввало, ҳар бир инсон ўзи қонунга риоя қилиши, ҳар бир масалани қонун йўли билан ҳал этиши шарт. Юқорида ақсарият жабрланувчилар ҳаёт йўлида учраган масалани ҳал этиш учун қонунни бузишган, яъни пора беришган.

Зеро, миллий қонунчилигимизда, аниқроғи Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тегишли қарорларида жабрланувчи пора талаб қилинганлик ҳақида хуқуқий муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилган ва тазор тадбир довомида жабрланувчининг мулкидан пора предмети тарихисидан фойдаланилган тақдирда ушбу мулк Жиноят-процессуал кодекси 211-моддасининг 4-бандига асосан жабрланувчига қайтарилиши лозимлиги, бошқа ҳолатларда эса пора предмети суд ҳукми билан давлат эгаллигига ўтказилишига оид меъёр белгилаб қўйилган.

Шу боис Жиноят ишлари бўйича Қўрай туман судида қўрилган ушбу жиноий ишга оид ҳукмда Р.Равшановдан етказилган моддий зарар жабрланувчилар Б.Аҳмедов ва М.Нурматовани фойдасига ҳамда пора предмети давлат даромади ҳисобига ундирилишига қарор қилинди.

Хуршед ХАЛИКОВ, Жиноят ишлари бўйича Қўрай туман суди судьяси, Саодат СОДИҚОВА, "Adolat" мухбири

— Кейинги пайтда касалликка чалиниб, тез-тез даволанадиган бўлиб қолдим. Иш қобилиятим пайсаяиб кетмоқда. Куч-қувватимни кундан-кун йўқотиб бораёяман. Шунинг учун ногиронлик нафақасига чиқмоқчи эдим. Ногиронлик нафақасига чиқишим учун қандай ҳужжатлар талаб қилинади? Ногиронлик қай тартибда тайинланади? Ногиронлар учун имтиёзлар яратилганми? Шу ҳақда батафсил маълумот берсангиз. Динноза Шуқурова, Чилонзор тумани

— Ҳудудлардаги даволан профилактика муассасасининг йўлланмаси билан тиббий-мехнат эксперт комиссияси шифокорлари шахси тиббий кўриқдан ўтказилади. Бунда беморнинг касаллик тарихи, амбулатор дафтари, қўриққа йўналтирилган тиббий ҳужжатларни ўрганиш йўли билан бемор организмнинг барча тизимлари комплекс текширишдан ўтказилади. ТМЭК ҳулосаси тиббий текширишдан ўтганларга ўша куннинг ўзидаёқ маълум қилинади. Яъни, қўриқ натижалари бўйича фуқарога ТМЭК расми ва аъзолари томонидан имзоланган ҳамда муҳр билан тасдиқланган белгиланган шаклдаги ТМЭК ҳулосатомаси берилади.

Организм функцияларининг турғун бузилиши боис соғлиққа зарар етди. Шахснинг ҳаёт фаолияти чекланади. Яъни унда ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш, мустақил ҳаракатланиш, мўлжал олиш, муомала қилиш, ўз хулқ-атвори ни назорат қилиш, меҳнат фаолияти билан шуғулланиш лаёқати ва имконияти тўлиқ ёки қисман йўқолади.

Тиббий меҳнат эксперт комиссияси тиббий текширувларни ногиронлиқни илк мартаба олаётган беморларга қўйдаги тартибда амалга оширади:

— айнан бир касаллик билан боғлиқ ҳолатда вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бошланган кундан бошлаб, узуқсиз тўрт ойдан ортик вақтни ташкил этидиган узоқ муддат касал бўлган шахслар (сил касаллигига чалинган беморлардан ташқари);

— биринчи марта аниқланган сил касаллиги вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даври касаллик аниқланган кундан бошлаб камидан ўн йил ташкил этганда;

— силга қарши муассасаларда ҳисобда турган сил касаллари асосий касаллик қўзғалганда вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик белгиланган кундан камидан олти йил ташкил этганда қабул қилинади.

Биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига қўйдаги имтиёзлар бор: стационар шифохонага ётганда бепул оқватланиши. Улар ер солиғи тўлашдан ҳам озод этилган. Реабилитациянинг техник воситалари (ҳасса, қўлтиқмаёқ, эшитувчусозлашлар, протез, махсус оёқ қийимлар, банджа, қорсет, кресло-коляска ва ҳокзоблар) билан бепул таъминланадилар. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2003 йил 27 мартдаги 1229-сонли йўриқномасида бу ҳақда қайд этиб ўтилган.

Учинчи гуруҳ ногиронларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, уларни қасба ўқитиш, қўта ва вақант иш ўришларида жойлаштириши, протез ортопедия буюмлари, реабилитациянинг бошқа техник воситалари билан таъминлаш масалалари амалдаги қонун ҳужжатларида қатъий белгилаб қўйилган.

Саволга Тошкент шаҳар, Учтепа туманларора 104-ТМЭК эксперти Савелия НАГАЯ жавоб берди.



ЁШ ТАДБИРКОРЛАР Қўллаб-қувватланмоқда

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсиши аввало мард ва матонатли, кўпни кўрган халқимизнинг дунёқарши, сиёсий онги ва савияси тобора юксалиб бораётгани ҳамда энг муҳими — бугунги кунда ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган, замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаган, мустақил ва янгича фикрлайдиган, Ватанимизнинг эртанги куни учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган навқирон ёшларимизни биз ўзимизнинг ишончимиз, таянчимиз ва суюнчимиз деб билганимиздадир, деб таъкидлагани мамлакатимиз ёшларига янада катта куч ва ғайрат бағишламоқда.

«Асака» банк томонидан «тадбиркор бўлай, юртимизнинг ривожланишига, халқимиз ҳаёти янада фаровон бўлишига ўз хиссамни қўшай», деган ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг бизнес ғояларини ҳаётга таъбиқ этиш учун молиявий қўмақ бериш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида банк мутахассислари ёшларни, шу жумладан, таълим муассасалари битирувчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улардаги иштишларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилаётган бир қатор тадбирларда мутахассисларни қўллаб-қувватлаш мақсадида фаол иштирок этиб келмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, сиёсий партиялар ва бошқа тижорат банклари билан ҳамкорликда ағъанавий тарзда ҳар йилда «Ёш тадбиркор — юртга мададкор», «Менинг бизнес ғоям», «Ватаним тараккиятга менинг хиссам» каби лойиҳаларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Мазкур тадбирларнинг самараси сифатида ёш тадбиркорлар, шунингдек, таълим муассасалари битирувчиларининг истиқболли лойиҳалари танлаб олиниб, банк томонидан имтиёзли шартларда молиялаштирилмоқда. Хусусан, ёш тадбиркорлар, шу жумладан, таълим муассасалари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш орқали уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, уларга муносиб ижтимоий-мансий шартлар яратиш мақсадида ўтган йил мобайнида таълим муассасалари битирувчиларига 11,5 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилган бўлса, жорий йилда ушбу мақсадларга 15,0 миллиард сўм кредит ажратилиши режалаштирилган. Бунинг натижасида қўллаб-қувватлаш доимий иш ўринлари билан таъминланиши кўзда тутилган.

«Асака» банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон банклари Ассоциацияси томонидан ташкил этилган ҳамда жорий йилнинг 13-14 апрель кунлари пойтахтимиздаги «Кўргазма савдо маркази» мажмуасида ўтказилган банк технологиялари, ускуналари ва хизматлари — «BANKEXP0 — 2016» IX миллий кўргазмасида ўз фаолиятини бошлаган ва фаолиятини ривожлантириш мақсадида бўлган ёш тадбиркорларга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Жумладан, «Shahzoda-Mo'jiza», «Люкс Плюс Сер-

вис» ва «Al-Vair» масъулияти чекланган жамиятларига, «Prichuda» оилавий корхонаси, «Даштдаги боғбонлар» фермер хўжалиги ва яққа тартибдаги тадбиркор Хосилбек Абдувалиевга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар тақдим этилди.

Жиззах туманида жойлашган «Shahzoda-Mo'jiza» масъулияти чекланган жамиятига «Она ва бола соғломлаштириш марказини ташкил этиш» бўйича лойиҳаси «Энг яхши тадбиркор аёл» номинациясида ғолиб чиққани учун имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат топширилди. Мазкур лойиҳа ишга тушиши натижасида қўшимча 16 та янги иш ўрни ташкил этилади.

Наманган шаҳрида фаолият юритаётган «Люкс Плюс Сервис» масъулияти чекланган жамиятининг «Тикув маҳсулотлари ишлаб чиқариши ташкил этиш» бўйича тақдим этган лойиҳаси «Энг кўп кизларни иш ўринлари билан таъминлаган бизнес лойиҳа» номинациясида ғолиб деб топилди ва имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат топширилди. Мазкур лойиҳа амалга таъбиқ этилиши натижасида қўшимча 50 та янги иш ўринлари яратилади.

Тошкент шаҳар Яққасарой туманида фаолият юритаётган «Al-Vair» масъулияти чекланган жамиятининг «Полиграфия маҳсулотлари ишлаб чиқариши лойиҳаси» ҳамда «Энг яхши тадбиркор аёл» номинациясида ғолиб чиқди ва имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат билан тақдирланди. Мазкур лойиҳа амалга ошириш натижасида қўшимча 5 та иш ўрни ташкил қилинади.

Самарқанд вилояти Иштихон туманида фаолият юритаётган «Даштдаги боғбонлар» фермер хўжалигининг узуқичлигини ривожлантириш бўйича лойиҳаси «Кишлоқдаги энг намунали бизнес лойиҳа» номинациясида ғолиб деб топилди ва имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат топширилди. Ушбу лойиҳада ҳам қўшимча янги иш ўринлари ташкил этилиши режалаштирилган.

Тошкент вилояти Зангиота туманида фаолият юритаётган «Prichuda» оилавий корхонасининг «Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш» лойиҳаси «Энг яхши оилавий тадбиркор лойиҳаси» номинациясида ғолиб чиқди ва имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат билан тақдирланди. Албатта, ушбу лойиҳада ҳам қўшимча янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилган.

Андижон вилояти Шахрихон туманида фаолият юритаётган яққа тартибдаги тадбиркор Хосилбек Абдувалиевнинг гўшт маҳсулотлари савдосини ташкил этиш бўйича лойиҳаси «Таълим муассасаси битирувчиларининг энг намунали бизнес лойиҳаси» номинациясида ғолиб деб эътироф этилди ва



имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат топширилди. Мазкур лойиҳа ишга тушиши натижасида ҳам қўшимча иш ўринлари ташкил этилиши режалаштирилган.

Президентимиз томонидан 2016 йил — «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилиниши юртимиздаги барча оналар, хотин-қизлар сингари биз, жаззавлик аёлларни ҳам беҳад қувватлади, — дейди «Shahzoda-Mo'jiza» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Махфизат Хайдарова. — Оналар ва болалар саломатлигини муҳофиза қилиш, миллат генотипини яхшилаш масаласида давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилган юртда яшаш ёшларимиздан бахтиёримиз. Қолаверса, ҳар қадамда биз, хотин-қизларнинг жамиятдаги мақоми, нуфузини оширишга қаратилган фамхўрликни ҳис қиламиз.

Амалга оширилаётган илмий ислохотлар натижасида юртимизда оналар ва болалар саломатлиги кўрсаткичлари яхшиланган бўляпти. Бунда вилоятларимизда, чекка-чекка қишлоқларимиздаги маҳаллалар қошида болалар, мактаб ўқувчилари учун ташкил этилаётган спорт тўғрисидаги лойиҳаларни ўрни бекиёди, албатта. Камина ҳам яққинда бу каби хайрли ишларга ҳисса қўшиш мақсадида туманимизда «Она ва бола соғломлаштириш маркази»ни ташкил этишга оид бизнес лойиҳа тузиб, «Асака» банкка кредит беришларини сўраб мурожаат қилдим. Лойиҳага асосан 16 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилмоқда. Бу лойиҳа банк мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилди ва ғолиб деб топилди. Пойтахтимизда ўтказилган кўргазмага тақлиф қилишиб, лойиҳам асосида имтиёзли кредит ажратилиши назарда тутувчи сертификат тақдим этилди. Ишонччи қилдим, банк кредитлари хисобига яққин келажакда бизнинг марказимиз ишга тушса, аёлларимиз фарзандлари билан биргаликда саломатлигини тиклашади.

Фурсатдан фойдаланиб, биз, тадбиркорларга ишонч билдириб, қулай шартлар асосида имтиёзли кредит ажратишга қарор қилган «Асака» банк мутасаддиларига миннатдорлик билдираман.

Маълумки, мамлакатимиз жаҳонда пахта толаси ишлаб чиқариши ва экспорт қилиш бўйича етакчи ўринлардан биридир, — дейди «Люкс Плюс Сервис» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Неймат Фатхиддинов. — Эътиборлиси, юртимизда юксак самарали пахта навлари етиштирилади, пахта тозалаш саноати ҳам тўлиқ модернизация қилинган. Бундай сифатли ва мустаҳкам толали газламалар-

дан тикилган экспорт боп тайёр кийимларни ўзимизда ишлаб чиқариш ва халқимизга етказиб бериш, қолаверса, бошқа хорижий давлатларга экспорт қилиш масаласи долзарблигини йўқотмайди. Шу бос мен ҳам сифатли мато ва газламалардан энг сўнгги русумдаги эр-қаклар кийимини ишлаб чиқаришни ният қилдим. 50 та янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган режими асосида бизнес лойиҳа ишлаб чиқилди ва «Асака» банкка лойиҳани тақдим этдим. Кўп ўтмай банкнинг малакали ва ҳушмуомала мутахассислари бизни пойтахтда ўтказилган кўргазмага тақлиф этишди. Кўргазмада лойиҳамиз ғолиб топилди ва корхонамизга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат тантанали равишда топширилди. Кредит маблағи хисобига замонавий тикув дастгоҳлари сотиб олиш ниятидаман.

Яққин истиқболда нафақат республикамиз, балки кўпни давлатларда биз тиккан костюмлик кўрсаткичлари яхшиланган бўляпти. Бунда вилоятларимизда, чекка-чекка қишлоқларимиздаги маҳаллалар қошида болалар, мактаб ўқувчилари учун ташкил этилаётган спорт тўғрисидаги лойиҳаларни ўрни бекиёди, албатта. Камина ҳам яққинда бу каби хайрли ишларга ҳисса қўшиш мақсадида туманимизда «Она ва бола соғломлаштириш маркази»ни ташкил этишга оид бизнес лойиҳа тузиб, «Асака» банкка кредит беришларини сўраб мурожаат қилдим. Лойиҳага асосан 16 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилмоқда. Бу лойиҳа банк мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилди ва ғолиб деб топилди. Пойтахтимизда ўтказилган кўргазмага тақлиф қилишиб, лойиҳам асосида имтиёзли кредит ажратилиши назарда тутувчи сертификат тақдим этилди. Ишонччи қилдим, банк кредитлари хисобига яққин келажакда бизнинг марказимиз ишга тушса, аёлларимиз фарзандлари билан биргаликда саломатлигини тиклашади.

Хар бир илмий, зиёли инсон борки, тафаккури, онгини фойдали ахборот билан бойитишга, дунёқарашини кенгайтиришга ҳаракат қилади, — дейди «Al-Vair» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ирина Синюкова. — Бунинг учун китобдан бўлак ишончли ва содиқ хамроҳ бўлмас керак. Юртимизда кейинги йилларда адабий, илмий, маърифий қилтир ва бошқа турдаги босма маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва мутуола қилишга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Шу бос наشريётлар сони кўпайиб, соғлом рақобат юзага келмоқда. Хар бир наشريёт миқдорига янгича турдаги хизматларни тақлиф этишга интиломоқда. Бизнинг корхонамиз ҳам тез кунларда Тошкент шаҳрида наشريёт саноатини ривожлантиришга ҳисса қўшмоқчи. Наشريёт маҳсулотларини ишлаб чиқариш мақсадида зарур хомашёлари сотиб олиш учун «Асака» банкдан кредит олишга қарор қилдим. Бизнес лойиҳамиз банк вакилларига маълум қилган бўлиб, кўргазмада ғолиб деб топилди, имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатга эга бўлдик. Бундан беҳад мамнунимиз. Бизга билдирилган ишонччи оқлашга ваъда берамиз. Банк маблағлари хисобига полигра-

фия маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини икки баравар кўпайтириб, янги иш ўринлари яратишни режалаштирилган. Бундан кейин ҳам «Асака» банк билан яққин ҳамкорлик қилиб, янги истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқариш ниятидаман.

Шахрихон енгил саноат ва хизмат касб-хунар коллежини тамомлаганимдан сўнг юртимизда тадбиркорликни ривожлантиришга яратилган қулай шарт-шароитлардан руҳланиб, мен ҳам тадбиркор бўлай деб, яққиният билан халқимиз дастурхонини арзон, сифатли гўшт ва сут маҳсулотлари билан тўлдиринишга астойдил бел боладим ва ота-она билан маслаҳатлашиб, чорвачиликни ривожлантиришга ахд қилдим, — дейди ёш тадбиркор Хосилбек Абдувалиев. — Шу мақсадда бизнес лойиҳа тузиб, вилоятимиздаги нуфузли банклардан бири бўлган «Асака» банкнинг Фарход филиалига мурожаат қилдим. Бу лойиҳам банк мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилди ва кўргазмада ғолиб деб топилди, имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат топширилди. Ушбу кредит маблағи хисобига зотдор қорамоллар сотиб олиб, ўз фаолиятини бошламоқчиман.

Келгусида тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириб, сутни қайта ишлаш линияларини олиб келиб ўрнатилиш орқали халқимиз дастурхонини янада тўкин қилишга ўз хиссамни қўшиш ниятидаман. Бунинг натижасида янги иш ўринлари ташкил этилиб, кишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш имконияти яратилади. Албатта, бу борада «Асака» банк бизнинг яққин ва ишонччи ҳамкоримиз, доимий мададкоримиз бўлиб қолади.

Мен «Асака» банкнинг мижози эканлигимдан, қолаверса, ҳозирги кунда юртимиз аҳолиси дастурхонини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш бўйича мамлакатимизда олиб борилаётган улкан ишларда ўзининг камтарона меҳнатини билан иштирок этаётганимдан фойда мамнуниман.

Дарҳақиқат, «Кўргазма савдо маркази»да ўтказилган банк технологиялари, ускуналари ва хизматлари — «BANKEXP0 — 2016» IX миллий кўргазмасида «Асака» банк «Таълим муассасалари битирувчиларини қўллаб-қувватловчи энг яққин банк» номинациясида ғолиб деб эътироф этилгани ҳам бежиз эмас, албатта.

«Асака» банк жамоаси жорий йил давомида ушбу йўналишда олиб борилаётган ишларни янада фаоллаштириб, ёш тадбиркорлар, шунингдек, таълим муассасалари битирувчиларининг истиқболли лойиҳаларини молиялаштиришда давом этади.

Банк материаллари асосида «Adolat» мухбири Зарафшон ҚАЛАНДАРОВА тайёрлади.

ШУКРОНАЛИК

Ўзининг табарруқ 91 ёшида саҳар туриб сизинг соғишни ёки томорқасидаги сабзавотга ишлов беришни ҳуш кўрадиган Майрам момо ҳақида эшитганмисиз? Невара келинлари «Бу ишингиз билан бизни уятга қўясиз-ку» дейишганида, «Асло ташвиш тортманг, ахир менинг шу ёшга киришим сизинг соғишни, кетмон ушлашни ор билмаганимдан», деб кулиб-кулиб жавоб қайтаради момо.

КЕКСАЛАРИ ЭЪЗОЗ ТОПГАН ЮРТНИНГ келажаги ҳам обод бўлади

Ўшдатмасдан учратмас деганларидек, момонинг умр йўлдоши Абдулла бобо Қосимов ҳам 97 ёш бўлса-да, мактабга мураббийлик дарсини ўташ, кишлоқ болаларини ҳаёт ҳикматларидан баҳраманд этиш учун қадим ранжидида қилади. Кенжа ўғил, олий маълумотли педагог Тоҳир Қосимов бу тетикликнинг сабабини нуруний отаси ва аяқини одамлар орасида яшашга ўрганиб қолгани, эл-удулнинг шодлиги-қувончидан қувват олиб келишаётганида, деб бот-бот таъкидлайди.

Оппоқ соқоли нуруний чехрасига ярашиб тушган Абдулла бобо Қосимов Иккинчи жаҳон урушининг қаттол киноларини бошдан кеңирган марду майдон инсонлардан. Унинг умр саҳифаларини ыаракласангиз, хар бир инсон, албатта, уқиб олиши шарт бўлган бебаҳо хикматлар китобига дуч келгандек бўласиз. Ва, бу ҳикмат замирида осуда осмон остидаги дорилмон қунларга, тинчлик, хотиржамликка, озолик ва ободликка, фарзандларнинг бахту иқболи, ёру келажакка нисбатан шукроналик борлигига такор-такор ишонч ҳосил қиласиз.

Ха, оқдарёлик уруш ва меҳнат фахрийси Абдулла бобо Қосимов озад ва обод Ватанимиздаги бекиё ўғариларини бутун вужуди билан хис этиб, хар қадамда фаровон турмушга шукроналар айтиб яшаётган инсонлардан. Унинг илму одоби, меҳнату садоқати билан эл назарига тушган ўн бир нафар фарзанди, бир юз элик нафар неvara-эваралари ва қўлларга ибрат бўлгулик умр хотиралари борки, шундай толе эгаси эканлигидан ўзини бахтиёр сезади.

Бу қушларга етганлар бор, етмаганлар бор, — деб ҳаёт хотираларини ыараклашга тушади отахон. — Далада ота-онанинг ташвишини енгиллаштириш учун ўн тўрт ёшимда товошимга кесак ботиб юрганларим, чигит эканним, ёўза парваринишлаганим хануз ёдимда. Ўшанда меҳнат билан топиладиган ноннинг кадрили илк бора тушуниб етганман.

Иккинчи жаҳон урушида дунё халқларини фашизм вабосидан халос этиш баробарида ўз юртининг озодлигини сақлаб қолиш учун минг-миглаб ўзбек ўғуллари ҳам қўлга қурол олиб фронтга отланишган эди. Улар қаторида Абдулла Қосимов ҳам оловли йўллардан юриб, душманин қувиб Руминиягача борди. Урушда оғир ярадор бўлиб, не-не азоб-уқубатларини бошдан кеңирганида ҳам ўз юртининг, яққинларининг меҳру сонинчи билан яшади. Шу меҳр-сонинч тудайли жангтоҳларда омон қолган умрини халқ хизматига бағишлашни ихтиёр этди.



Ха, Абдулла Қосимовнинг бутун умри юртдошлари учун чинакам ибрат мактаби. Урушдан сўнг узоқ йиллар Оқдарё туманида халқ таълими соҳасида самарали фаолият юритди. Сўнгра тақдир таъдоси билан жамоа хўжалигини бошқариб қалла, пахта етиштириш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш йўлида баракали меҳнат қилди.

Тақдирни қаранг-ки, ҳаёт унга Майрам опадек аҳдида қатъий, вафодор умр йўлдошини раво кўрди. Урушдан кейинги оғир тикланиш йилларида жамоа хўжалигини оёққа қўйиш учун икковлашиб тушу қун меҳнат қилишди. Майрам опа кишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасидаги узоқанишлари учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор» унвонига сазовор бўлди. Энди Абдулла аканинг кўксидидаги қўша-қўша жангвор орден, медаллари, Майрам опанинг меҳнатдан топган унвони наинки оила азёзолари, балки кишлоқдошлари, дўст-биродарлари учун ҳам фахру ифтихор, хавас ва хурматини аналганг туртибди.

Оқдарё туманининг Навоий маҳалласида истиқомат қилдиган кексаё ёш бу икки фидойи қалб соҳибларини юлдузи юлдузига тўғри келиб, қўша қарин бахтига мушарраф бўлган инсонлар, деб билишади. Қаранг-ки, Майрам опа 91 ёшга қарши олаётган бўлса-да, ўз қўли билан сизинг соғишни, томорқасидаги экинларга ишлов беришни ҳуш кўради. Бу одати билан неvarаларига, келинларига меҳнатнинг нони ширин эканлигини уқтирмоқчи бўлади.

Абдулла бобо ҳам маҳалла ёшларидан панду насихатини, турмуш ўғитларини аямайди. Уларни ҳаётда қатъий максад, эътиқод билан яшашга, дорилмон қуларининг кадрияга етишга ундайди.

— Меҳру оқибат, кексаларга иззат-эътибор инсонпарвар жамиятимизнинг энг катта ютуғи деб биламан, — дейди Абдулла бобо. — Президентимизнинг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони мени беҳад тўқиллантириб юборди. Фармонни ўқиб давлатимиз раҳбарининг тинчликсевар, халқпарвар сиёсатини, жамият учун хизмат қилган кишлоқга нисбатан чуқур ғамхўрлигини яна бир қарра хис этдим. Кексалари эъзоз топган юртининг келажаги ҳам обод бўлади деганларидек, биз, нурунийлар жамият учун, шу жамиятда таркиб топаётган эзгу амалларни мустаҳкамлаш, ёшлар қалбига сингдириш учун ўз бурчимизни ўтамоғимиз лозим. Инсон тарбияси йўлида ишончга лойиқлик — энг катта бахт!

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ, «Adolat» мухбири

МУАССИС:



Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Исрол ҚАМРОЕВ

Тахрир ҳайъати: Нармон УМАРОВ, Муҳаммад АЛИ, Гаваҳ АЛИМОВА, Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Қодир ЖўРАЕВ

Тошпўлат МАТИБАЕВ, Таъабт МУРОДОВ, Абдуқамол РАҲМОНОВ, Собир ТУРСУНОВ, Алишер ШОДМОНОВ, Шухрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Котибиат — 288-42-14 (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-42-12 (146); Кабулхона — 288-42-23; 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 233-41-89.

Навбатчи муҳаррир — Абдуқамол Йўлдошев, Навбатчи — Бобиржон Тунгатов

«Adolat»дан кўчириб босиш тахририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган Тахририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй, info@adolatgiz.uz

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйқатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қўроз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ, Офсет усулида босилган. Бутортага I — 400. Адади — 9874. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 21.00. Баҳоси келишган нарҳда

НАШР КўРСАТКИЧИ: 100

